

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
МАГИСТРАТУРАСИ**

**Қўлёзма ҳукукида
УДК: 330,3 (657)**

ИСМОИЛОВ ЭЛМУРОД ЗИЁДУЛЛО ЎҒЛИ

**ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ СТАНДАРТЛАР АСОСИДА АСОСИЙ
ВОСИТАЛАР ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Мутахассислик: 5A230901 - "Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар бўйича)"

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий рахбар:

и.ф.н. доц. Ризаев Н.

Тошкент - 2013 йил

**Диссертация Тошкент Молия институти "Бухгалтерия ҳисоби"
кафедрасида бажарилган.**

Илмий раҳбар:

и.ф.н. доц. Н. Ризаев

Расмий оппонент:

и.ф.н., доц. К. Мисиров

Кафедра мудири:

и.ф.н., доц. Б. Болибеков

**Магистратура бўлими
бошлиғи:**

и.ф.н., доц. Ҳ. Аҳмедов

Кириш.....	3
1. БОБ Хўжалик юритувчи субъектларни техник модернизациялаш шароитида асосий воситаларни ҳисобга олишнинг назарий асослари	
1.1 Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида асосий воситалар ҳисобининг предмети ва мақсади.....	8
1.2 Асосий воситалар ҳисобини халқаро ва миллий стандартлар асосида ташкил этиш тамойиллари ва вазифалари.....	23
2. БОБ Халқаро ва миллий стандартлар асосида асосий воситалар ҳисобини ташкил этишнинг амалдаги ҳолати	
2.1 Фойдаланишга қабул қилинган асосий воситаларни ҳисобга олиш.....	33
2.2 Асосий воситалар амортизациясини (эскириши) ҳисобга олишни ташкилий масалалари.....	44
2.3 Асосий воситаларни таъмирланишининг ҳисоби.....	62
3. БОБ Хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситалар ҳисобини бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари бўйича такомиллаштириш масалалари	
3.1. Асосий воситаларни бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти бўйича ҳисобга олиш такомиллаштириш йўллари.....	72
3.2. Асосий воситаларни қайта баҳолашни халқаро стандартлар бўйича такомиллаштириш.....	78
Хулоса ва таклифлар.....	83
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хўжалик юритувчи субъектларида иқтисодий салоҳиятни баҳолаш ва таҳлил қилишнинг долзарб муаммоларини ечишга катта эътибор қаратилган. Корхоналарни техник модернизациялаш шароитида асосий воситалар мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш даражасига боғлиқ. Лекин, ўз навбатида, корхоналарни техник асосий воситалари ҳам иқтисодиётнинг ривожланишига бевосита ўз таъсирини кўрсатади.

Корхоналарни техник янгилаш бўйича Президентимиз И.А.Каримовнинг шундай гаплари бор “Ўтган йилда иқтисодиётимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб етилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил етди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Шу борада фақат ўтган йилнинг ўзида умумий қиймати 1 миллиард 600 миллион доллардан ортиқ бўлган капитал қўйилмалар ўзлаштирилиб, 205 та йирик инвестиция объекти қуриб битказилди”¹.

Республикамизда корхоналарни техник жиҳозлаш ва қайта жиҳозлашни кучайтиришни таҳлил қилишга қаратилган муҳим илмий ва амалий ишлар олиб борилган бўлсада, аммо айрим тармоқларга оид аниқ услубий ишлар олиб борилмаган. Бу борада Президентимизни яна бир гапларини ёдга олмай иложимиз йўқ деб ўйлайман. «Бугунги кунда давлат ва жамият қурилиши соҳасида мамлакатимиз олдида ўзининг миқёси ва қамровига кўра улкан вазифалар турибди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳали-бери давом этаётган оғир бир шароитда иқтисодиётимизнинг янада барқарор ривожланишини таъминлаш, уни диверсификация ва модернизация қилиш, ишлаб

¹ И.А.Каримов. “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом еттириш”. Т.: «Ўзбекистон» 2013 й.

чиқаришни техник қайта жиҳозлаш борасидаги ишларни изчил давом эттиришимиз зарур».²

Бугун жойларда иқтисодийни юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун хорижий сармояларни жалб қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликни ривожлантириш нечоғли катта, ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Макроиқтисодий барқарорлик, ишлаб чиқаришнинг изчил ва мутаносиб ўсиш суръатларини таъминлаш, жалб этилаётган инвестицияларни кўпайтириш ҳисобидан таркибий ўзгаришларни қатъий давом эттириш, иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш — биз учун бош вазифа бўлиб қолади. Бухгалтерия ҳисоби соҳасида амалга оширилган ислохотлар натижасида “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонун, Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Бу эса бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар даражасига яқинлаштиришга имкон бермоқда. Бундай ҳолат хўжалик юритишнинг мазмуни, тузилиши ҳамда психологиясида жиддий ўзгаришларга олиб келди. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини амалиётга жорий этилиши бир қатор муаммоларни ечишга шароит яратиб беради.

Юқоридаги маълумотларни илмий жиҳатдан ҳал этиш зарурлиги диссертация мавзуси ва тадқиқот йўналишини белгилаб беради.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Корхоналарда халқаро ва миллий стандартлар асосида асосий воситалар ҳисобини ташкил этиш ва такомиллаштириш масалалари хорижий ва МДХ мамлакатларининг иқтисодчи олимлари А.Ф.Аксененко, И.А.Белов, Н.Д.Врублевский, К.Друри, В.Б.Ивашкевич, Т.П.Карпова, В.Ф.Палий, В.К.Радостовец, С.С.Сатубалдин, Ч.Т.Хорнгрен, А.Д.Шереметлар томонидан чуқур тадқиқ қилинган. Бу борада мамлакатимиз олимларидан А.А.Абдуганиев,

² И.А.Каримов Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилди. –Т.: “Ўзбекистон” 2011й. 21 январ 32 б.

М.Қ.Пардаев, А.Х.Пардаев, А.А.Каримов, А.Сотволдиев, А.Т.Ибрагимов, М.М.Тулахужаева, Б.А.Хасанов, Б.Хамдамов, Э.Ф.Гадоев, Ш.У.Хайдаров, С.Ю.Юлдашев, О.А.Машарипов, Б.Ю.Мақсудовлар илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Олимларнинг олиб борган тадқиқотлари тармоқ корхоналари учун муҳим назарий ва амалий аҳамията эга бўлсада, лекин модернизациялаш шароитида кўпгина муаммолар пайдо бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида айнан корхоналарда асосий воситаларни ташкил этиш бўйича илмий ва амалий тадқиқотлар олиб борилишини тақозо этмоқда.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Тадқиқот мақсади илмий изланишлар натижасида корхоналарда халқаро ва миллий стандартлар асосида асосий воситаларни ҳисобга олишнинг муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Қўйилган мақсадга асосан ишда қуйидаги вазифалар белгиланди:

- корхоналарни техник модернизациялаш шароитида асосий воситалар ҳисобини тўғри йўлга қўйиш бўйича назарий ва амалий таклифлар киритиш;
- халқаро ва миллий стандартлар асосий воситаларни ҳисобга олишда уларни туркумлаш ва баҳолаш ҳамда қайта баҳолашни ҳисобга олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олиш ва хужжатлаштириш масалаларини асосий воситаларнинг халқаро стандартларига боғлаб ўрганиш;
- асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш усуллари, амортизация меъёрларини ҳисобга олиш нуқтаи назаридан таклифлар бериш;
- ижарага олинган ва ижарага берилган асосий воситаларнинг ҳисобини такомиллаштириш;
- корхоналарни техник модернизациялаш шароитида асосий воситаларнинг техник ҳолатининг таҳлилини аниқлаш.

Тадқиқот предмети. Илмий иш предмети бўлиб, иқтисодийни модернизациялаш шароитида асосий воситалар ҳисобини ҳисобга олиш жараёни, яъни аниқ хўжалик вазиятида бухгалтерия ҳисобининг айнан ўзига хослигини таъминлашга доир тегишли хўжалик субъектларининг мақсадга мувофиқ фаолиятидир.

Тадқиқотнинг объекти. Тадқиқот объекти сифатида “Technolog-Stan” ДП маълумотлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг назарий услубий асослари бўлиб, хориж ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва ривожлантириш муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотлари, Ўзбекистон Республикасининг хўжалик субъектлари фаолиятини тартибга солувчи Қонунлар, Қарорлар, Фармонлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Абдуғаниевич Каримовнинг мамлакатимиз иқтисодини эркинлаштириш, бозор муносабатлари талаблари асосида ривожлантириш ва хўжалик юретишнинг шакл ва услубларини такомиллаштиришга қаратилган ҳамда “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” номли асарлари, нутқлари ҳамда мақолалари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Молия вазирлигининг меъёрий ҳужжатлари ва йўриқномалари ташкил этади. Диссертацияда иқтисодий кўрсаткичларни гуруҳлаш, танлаб олиш, таққослаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ҳамда назорат усулларида фойдаланилди.

Диссертациянинг илмий янгилиги. Диссертациянинг илмий янгилиги шундан иборатки, назария ва амалиётни жамлаш асосида халқаро ва миллий стандартлар асосида асосий воситалар ҳисобини ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича қуйидаги натижаларга эришилди:

- корхоналарни техник модернизациялаш шароитида асосий воситалар ҳисобини йўлга қўйиш бўйича назарий ва амалий таклифлар киритилди;

- асосий воситаларни баҳолаш бўйича бозор қийматини кенг қўллаш тавсия этилди;
- асосий воситаларни қайта баҳолашда уларни эскириш қийматини ҳисобга олиш юзасидан таклиф берилди;
- асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олиш ва хужжатлаштириш масалаларини асосий воситаларнинг халқаро стандартларига боғлаб ўрганиш ўрганилди;
- ижарага олинган ва ижарага берилган асосий воситаларнинг ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Мазкур ишда ҳозирги корхоналарни техник модернизациялаш шароитида халқаро ва миллий стандартлар асосида асосий воситалар ҳисобини ташкил қилиш бўйича мавжуд муаммолар илмий жиҳатдан асосланиб, уларни ҳал қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг синаб кўрилиши. Диссертациядаги илмий ғоялар ва натижалар Тошкент молия институтида 2013 йил 18 апрелда “Ўзбекистон Республикаси минтақаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда молиявий сиёсатнинг ўрни” ўтказилган илмий-амалий конференциясида "Асосий воситаларни ҳисобини бухгалтерияда юритишнинг хусусиятлари" ва "Асосий воситалар амортизациясини ҳисобга олишни такомиллаштириш" мавзусидаги тезисларда баён қилинган.

Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатларидан иборат.

1. БОБ. Хўжалик юритувчи субъектларни техник модернизациялаш шароитида асосий воситаларни ҳисобга олишнинг назарий асослари

1.1. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида асосий воситалар ҳисобининг предмети ва мақсади

Асосий воситалар деб - узоқ муддатли ўзининг табиий кўринишини сақлаб турадиган, аста-секин эскирадиган ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот қийматига ўз қийматини аста-секин ўтказадиган, қиймати минимал иш ҳақининг 50 баробаридан юқори бўлган, хизмат муддати бир йилдан кўп бўлган, ижара воситаси сифатида фойдаланиш мумкин бўлган меҳнат воситаларига айтилади. Асосий воситаларга бинолар, иншоотлар, машина, ускуна, хўжалик инвентарлари, асбоб-ускуналар ва бошқалар киради.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда асосий воситаларнинг ўрни ниҳоятда каттадир. Асосий воситалар хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш жараёнида жуда катта рол ўйнайди, чунки улар барча хўжалик юритувчи субъект таянадиган ва хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш қувватини баҳолаш мезони бўлган ишлаб-чиқариш техника базасини ташкил этади.

“Асосий воситалар” номли 5-сон БҲМСга асосан, асосий воситалар узоқ давом этадиган вақт мобайнида (бир йилдан ортиқ вақт давомида) моддий ишлаб чиқариш соҳасида ҳам амал қиладиган, шунингдек, ижарага бериш учун фойдаланиладиган моддий активлардир.

Хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситаларни ҳисобга олиш қуйидагиларни таъминлаши лозим:

- асосий воситаларнинг олинishi, ҳисобдан чиқарилиши, жойи ўзгартирилишини ҳисобда тўғри ва ўз вақтида акс эттириш;
- асосий воситаларни бошқа активлардан ажратилган ҳолда гуруҳларга бўлиб, уларни ҳисобга олишни ташкил қилиш;

- асосий воситаларни жорий ҳисобда ва бухгалтерия балансида тегишли андозаларга ва меъёрий ҳужжатларга асосан тўғри ва ўз вақтида баҳолаш;

- уларни сотиб олинганидан кейин ҳисобдан чиқарилишига қадар турган жойи (фойдаланиш жойи) бўйича мавжудлиги ва асралишини, айрим ҳолларда уларнинг асралиши учун масъул бўлган шахслар бўйича назорат қилиш;

- асосий воситаларнинг эскиришини тўғри ва ўз вақтида ҳисоблаб чиқиш ва уни ҳисобда акс эттириш;

- таъмирлаш бўйича харажатларни аниқлаш ва бу мақсадлар учун ажратилган воситаларнинг оқилона ишлатилишини назорат қилиш;

- эскирган, хўжалик учун ортиқча бўлган асосий воситаларни ўз вақтида ҳисобдан чиқаришни таъминлаш;

- ҳисобдан чиқарилган асосий воситалар бўйича молиявий натижаларни тўғри ва ўз вақтида акс аниқлаш.

Ҳисоб ва режалаштиришда асосий воситалар маълум гуруҳларга бўлиниб ҳисобга олинади ва режалаштирилади. Чунки асосий воситаларни ҳисобга олиш, режалаштиришни тўғри ташкил қилишнинг муҳим шарти бўлиб, уларни илмий жиҳатдан туркумлаш ва баҳолаш ҳисобланади.

Асосий воситалар ишлаб чиқариш жараёнида қатнашишига қараб ишлаб чиқаришнинг асосий воситаларга ва ишлаб чиқаришга тегишли бўлмаган объектларга бўлинади.

Ишлаб чиқариш жараёнида қатнашадиган ва унга хизмат қиладиган меҳнат воситалари *ишлаб чиқаришнинг асосий фондлари* деб аталади. Уларнинг ишлаб чиқариш жараёнида қатнашишдаги роли ҳар хил, баъзилари масалан, машиналар, ускуналар, асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришда меҳнат қуроллари сифатида қатнашади, баъзилари эса ишлаб чиқариш жараёнининг тўхтовсиз ишлаб туришини таъминлайди, масалан, иншоотлар, яна бошқалари эса ишлаб чиқариш учун зарур бўлган шароит яратиб беради. Масалан, ишлаб чиқариш бинолари, йўллар ва бошқалар.

Ишлаб чиқариш жараёнида тўғридан-тўғри қатнашмайдиган объектларга уй-жой-коммунал хўжалиги воситалари, соғлиқни сақлаш муассасаларининг асосий воситалари (касалхона, амбулатория, поликлиника), маданият ва маориф муассасаларига қарашли объектлар (завод клублари, театрлар, кутубхона, болалар муассасалари) ва бошқалар киради.

Иқтисодиёт тармоқларининг туркумланишига мувофиқ асосий воситалар қуйидаги халқ хўжалик тармоқлари ва фаолият турларига бўлинади: саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, алоқа, қурилиш, савдо ва бошқалар. Масалан, саноат хўжалик юритувчи субъектларида “Саноат” тармоғига саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган ҳамда хўжалик юритувчи субъектнинг транспорт моддий-техника таъминоти, омбор хўжалиги ва бошқа бўлимларининг асосий воситалари киради.

Саноат хўжалик юритувчи субъектлари балансида акс эттириладиган ёрдамчи қишлоқ хўжалик бўлимига қарашли объектлар “қишлоқ хўжалик тармоғи”, уй-жой-коммунал хўжалигига қарашли объектлар “Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш” ва “Уй-жой-коммунал хўжалиги” тармоғига киради.

Демак, саноат корхоналаридан ташқари, бошқа халқ хўжалиги тармоқларига қарашли объектлар ҳам фойдаланишда бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан саноат корхоналарининг асосий воситаларини саноат Ишлаб чиқариши ва бошқа иқтисодиёт тармоқларининг ишлаб чиқариш фондларига асосий воситалари ўз фойдаланиш нуқтаи назаридан қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Ер;
2. Бино;
3. Иншоот;
4. Ўтказувчи қурилмалар;
5. Машина ва ускуналар;

6. Ҳисоблаш техникаси ва компьютерлар;
7. Транспорт воситалари;
8. Ишлаб чиқариш инвентарлари ва жиҳозлари;
9. Хўжалик инвентарлари;
10. Ишчи ва маҳсулдор моллар;
11. Кўп йиллик дарахтлар;
12. Ерни яхшилаш бўйича капитал харажатлар (иншоотларсиз);
13. Бошқа асосий воситалар;

Фойдаланилиши нуқтаи назаридан асосий воситалар ҳаракатдаги, захирадаги ва фойдаланилмайдиган объектларга бўлинади.

У ёки бу хўжалик юритувчи субъектга қарашлилиги нуқтаи-назаридан асосий воситалар корхонанинг ўзига қаршли ва ижарага олинган объектларга бўлинади.

Хўжалик юритувчи субъект ва фирмаларда асосий воситалар ҳисобини юритишни соддалаштириш мақсадида улар муайян тасниф кўрсаткичлари орқали гуруҳларга бўлинади. Асосий воситаларни гуруҳларга бўлишнинг тасниф белгилари қуйидагилардир:

- бажарадиган вазифасига кўра;
- объектларда фойдаланиш даражасига кўра;
- натурал-моддий таркибига кўра.

Асосий воситалар бажарадиган вазифасига кўра ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш воситаларига бўлинади. Ишлаб чиқариш асосий воситалари бевосита моддий неъматларни яратишда иштирок этадиган воситаларидир. Ноишлаб чиқариш асосий воситалари гуруҳига уй-жой ҳамда коммунал-хўжалик, маиший хизмат, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқаларнинг асосий воситалари киритилади.

Ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятида асосий воситалар объектлардан фойдаланиш даражасига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:



1-чизма. Фойдаланилишига кўра асосий воситаларнинг туркумлиниши


Асосий воситаларнинг бундай гуруҳланиши улардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш, эскирган воситаларни алмаштириш, кераксиз асосий воситаларни бошқа хўжалик юритувчи субъектга бериш ёки сотиш тўғрисида қарор қабул қилиш, шунингдек, уларнинг эскиришини тўғри ҳисоб-китоб қилиш учун зарур.

Ер амалдаги қонунчиликка биноан хўжалик юритувчи субъектга мулк тарзида берилган ер майдонидир. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 17-моддасига биноан, “юридик шахслар Ер кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин”. Ернинг қийматига уни харид қилишда кўчмас мулк агентларига тўланадиган коммиссион тўловлар, адвокатлар хизмати учун ҳақ, харид қилишдаги солиқ тўловлари, дренаж қиймати, ерни тозалаш ва бошқа харажатлар қўшилади.

Ерни ободонлаштириш бўйича капитал харажатлар таркибига ернинг унумдорлиги ошириш, автомобил ва бошқа транспорт турларига тўхташ жойларини барпо этиш ҳамда шунга ўхшаш бошқа харажатлар киради.

Асосий воситалар натурал-моддий таркибига кўра қуйидаги

гуруҳларга бўлинади:



2-чизма. Асосий воситаларнинг туркумланиши.

Биноларга ишлаб чиқариш корпуслари, цехлар, устахоналар, бошқарма биноси, омборхоналар, турар-жой бинолари ва бошқа ишлаб чиқариш, маъмурий-хўжалик ва ижтимоий-маиший мақсадлардаги объектлар, шуниндек, улардан тўғри фойдаланиш зарур бўлган жами коммуникация воситалари (иситиш, ёритиш, шамоллатиш, сув-газ таъминоти тизими, ички телефон ва сигнализация воситалари, лифт хўжалиги) киради.

Иншоотларга меҳнат жараёни ва унинг натижаларини ўзгартирмаган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнларининг техникавий ёки умумий вазифаларини бажаришга хизмат қиладиган объектлар (нефть ва газ

кудуклари, шахта йўллари, автомобил йўллари, кўприклар, эстакадалар, сув омборлари ва бошқалар) киради.

Узатувчи мосламаларга машина-двигателдан иш машиналарига электр, иссиқлик, механик энергияни узатишга, шунингдек, суюқ ва газсимон моддаларни бир объектдан бошқа объектга етказиб беришга хизмат қиладиган қурилмалар (электр узатиш йўллари, қувур йўллари, иссиқлик ва газ тармоғи ҳамда бошқалар) киради.

Машина ва жиҳозлар асосий воситаларнинг энг асосий тури ҳисобланади ва ўз навбатида қуйидаги гуруҳлардан таркиб топади:

- куч машина ва жиҳозлари электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарадиган ёки уни механик ҳаракат энергиясига айлантириб борадиган борадиган генератор-машиналар, дивигатель машиналар (қозонхоналар, буғ двигателлари, турбиналар, куч трансформаторлари ва бошқалар)дир;

- иш машиналари ва жиҳозлари меҳнат предметларига механик, термик, кимёвий ёки бошқа йўсинда технологик ишлов беришга, уларни ишлаб чиқариш жараёнида қўзғатиш, қазиб олиш, эритиш, тайёрлашга хизмат қиладиган қурилмалар (станоклар, аппаратлар, агрегатлар)дир;

- ўлчовга ростлаш асбоблари ҳамда қурилмалари ва лаборатория жиҳозлари фойдаланиладиган техника ишидаги турли параметр (кўрсаткич)ларни ўлчаш, ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш, хом ашё, ТМЗ лар ва тайёр маҳсулотлар сифатини текшириш, намлик даражаси, шовқин таъсири ва бошқаларни ўлчашда ишлатилади. Уларга монометрлар, тарозилар, микроскоплар, диспетчерлик назорати ва бошқалар киради;

- ҳисоблаш техникаси маълумотларни электрон ҳисоблаш машиналарида қайта ишлайдиган воситалардир. Уларга компьютерлар, принтерлар ва бошқа компьютер воситалари киради.;

- бошқа машина ва жиҳозларга юқорида санаб ўтилмаган машина ва жиҳозлар (ўт ўчириш ва бошқа махсус машиналар) киради.

Транспорт воситалари кишилар ҳамда юк ва турли мақсадлардаги

нарсаларни ташишга мўлжалланган ҳаракат воситаларидир.

Асбоб ва ускуналар қўл меҳнати жараёнида ишлатиладиган ёки иш қисмларини кучайтириш, ошириш учун машинага бириктириладиган воситалар (электро-дреллар, вибраторлар)дир.


Ишлаб чиқариш инвентарлари ишлаб чиқариш жараёнини енгиллаштиришда ишлатилади. Уларнинг таркибига бак, контейнер, инвентар, идишлари киради.

Иш ҳайвонлари ва маҳсулдор чорва ҳар бир етилган мол (от, хўкиз, сигир)лар бўлиб, алоҳида инвентар объекти сифатида ҳисобда акс эттирилади.

Кўп йиллик дарахтлар алоҳида хиёбон, парк, боғдаги миқдори ва ёшидан қатъий назар экилган дарахтлар гуруҳидир.

Бошқа асосий воситаларга кутубхона воситалари, ижарага олинган асосий воситалар, консервациядаги асосий воситалар ва бошқалар киради.

“Асосий воситалар” номли 5-сон БҲМСга биноан асосий воситалар қуйидаги баҳоларда баҳоланади:



3-чизма. Асосий воситаларнинг баҳоланиши

Дастлабки қиймат – активни харид қилишда ҳақиқатда тўланган пул маблағлари ёки уни барпо этишда амалга оширилган ҳақиқий харажатлардир. Харид қилишнинг ҳақиқий қиймати асосий воситани

харид қилиш ва уни ишлатиш учун тайёр ҳолга келтиришда қилинган барча харажатларни, яъни: харид нархи, юридик йиғимлар ва бошқа харажатларни ўз ичига олади. Ташкилот текинга олган асосий воситаларнинг дастлабки қиймати эксперт йўли билан бозор нархида баҳоланган қиймат бўйича тан олинади. Текинга олинган асосий воситани кирим қилинган санада амал қилган нарх асосида жорий бозор қиймати шакллантирилади. Амалдаги нарх тўғрисидаги маълумотлар ҳам ҳужжатлар ва эксперт йўли билан тасдиқланиши керак.

Сотиш қиймати асосий воситаларни битим пайтида манфаатдор тарафлар ўртасида айрбошлаш мумкин бўлган суммадир.

Асосий воситани пулга харид қилинса, унинг қиймати контрактда иккиламчи бозорда фаол ишлаётган шу сингари активга аниқланган бозор нархи бўйича кўрсатилиши мумкин.

Асосий воситани хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи томонидан яратилган ва уни яратиш чиқимларини аниқ белгилаш мумкин бўлган ҳолларда асосий восита ҳақиқий таннарх бўйича акс эттирилади.

Баъзи вақтларда асосий воситаларни қайта баҳолашга эҳтиёж туғилади. Асосий воситаларни қайта баҳолаганда асосий воситанинг бутун занжири қайта баҳоланиши керак. Қайта баҳолаш натижасида асосий воситанинг баланс қиймати кўпайган ҳолда ушбу кўпайиш аввалги баҳодан ошадиган суммада 8510-“Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар” счётининг кредитида акс эттирилиши лозим.

Қайта баҳолаш натижасида асосий воситанинг баланс қиймати камайган бўлса, бу камайиш аввалги баҳодан ошадиган суммада харажат сифатида тан олинади.

Хўжалик юритишнинг ҳозирги шароитида асосий воситалар ҳаракатини таҳлил қилишнинг аҳамияти мулкчиликнинг барча шаклларида иш юритаётган корхоналар учун беқиёсдир, зеро асосий воситалар ҳаракати, корхонанинг бу турдаги маблағлар билан таъминланганлиги тўғрисида тўла-тўқис маълумотларга эга бўлмасдан, ишлаб чиқаришни

илмий жиҳатдан ва самарали бошқариш асло мумкин эмас.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида корхоналарни бошқаришда молиявий ва бошқарув таҳлилининг роли кескин ошмоқда, чунки бошқарув тизимида олдинги маъмурий-бўйруқбозлик тизимидан воз кечилиб янги, эркин иқтисодий механизмлар орқали бошқариш тизими шаклланимоқда. Собиқ иттифок даврида таҳлил асосан режа кўрсаткичларини асослашга, унинг бажарилишини таъминлашга қаратилган эди. Эндиликда эса ҳар бир хўжалик субъекти, мулк шаклидан қатъий назар ўз фаолиятини юқоридан берилган бўйруқни бажаришга қаратмасдан, балки мустақил равишда ўзининг иқтисодий қудратини такомиллаштириш мақсадида эркин бошқаришга қаратади. Бу эса ўз навбатида иқтисодий таҳлилнинг ролини янада оширади. Иқтисодий таҳлил орқали ҳар бир субъектда мавжуд бўлган ички ва ташқи имкониятлар аниқланади, уларни амалиётга сафарбар қилиш чоратadbирлари ишлаб чиқилади.

Хўжалик субъекти аниқ баҳоланган активдан иқтисодий фойда олишига ишончи бўлган тақдирдагина асосий воситаларни актив сифатида тан олади. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига кўра, асосий воситалар сотиб олинган, ўрнатилган, амалиётда синаб кўрилган ва ишга тушириш ишлари бажарилгандан сўнг ОС-1 шаклидаги ишга тушириш далолатномаси тузилган ҳамда ускуналарни ишлаш ҳолатига келиши учун масъул комиссия аъзолари томонидан имзоланадиган, кейингина хўжалик субъектининг балансига унинг активи сифатида ҳисобга олиниши мумкин.

Асосий воситалар ҳисоби ОС-7 ва ОС-6 ҳисоб карточкаларидаги инвентар рақамлари бўйича юритилади. Асосий воситалар ОС-1 шакли бўйича қарим далолатномаси асосида қарим қилинади. Қўчириш ОС-2 қайдномаси бўйича расмийлаштирилади, тугатиш эса, ОС-4 тугатиш далолатномаси асосида амалга оширилади, умумлаштирилган ҳисоб бланкалари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқарилган ва тасдиқланган.

Статья I. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект бирор-бир маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқаришни ташкил қилиши учун асосан тўрт хил ресурс мужассам бўлмоғи лозим бўлади. Бундай ресурслар таркибига:

- Моддий ресурслар;
- Молиявий ресурслар;
- Меҳнат ресурслари;
- Тадбиркорлик ресурси.

Статья II. Асосий фондлар (воситалар) ишлаб чиқаришнинг муҳим омили сифатида қаралиб, улар воситасида бевосита меҳнат предметлари ва меҳнат кучлари бирикувида маҳсулотлар ишлаб чиқарилади, ишлар бажарилади ва хизматлар кўрсатилади.

Асосий воситаларнинг қиймат ифодаси унинг кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлардан фарқланиш чегарасини характерлайди. Асосий воситаларнинг хизмат муддати уларнинг бир йилдан ортиқ муддат хизмат этишини характерлайди.

Асосий воситалар таҳлилида корхонанинг асосий воситалар билан қуролланиш даражасига, уларнинг техник ҳолати ва ҳаракат кўрсаткичларига, самарадорлик кўрсаткичларига, динамикаси ва ҳолатига баҳо берилади.

Асосий воситаларнинг таркиби бўйича, тури бўйича ўзгаришларига баҳо берилади. Таҳлил этишда асосий воситаларнинг ҳолат ва ҳаракат кўрсаткичларига муҳим эътибор қаратилади. Бу орқали бевосита асосий воситаларнинг эскириш даражаси, яроқлилиқ даражаси, кирими ва чиқими кўрсаткичларига баҳо берилади.

Асосий воситаларнинг унумини ўрганиш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришда уларнинг самарадорлик кўрсаткичларига баҳо берилади. Асосий воситаларнинг самарадорлик кўрсаткичларини омилли таҳлил асосида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ёки фондлар самарасини ошириш юзасидан ички имкониятларнинг мавжудлиги ўрганилади ва

таҳлил якунида корхонада асосий фондлардан фойдаланишга ва уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан муҳим иқтисодий йўналишлар белгиланади. Корхонанинг асосий воситалари, уларнинг ҳолати, ҳаракати ва самарасига иқтисодий таҳхис берилади.

Ҳар бир фаннинг вазифаси иқтисодий шарт шaroитга қараб белгиланиб бoрилади, лекин у олдига қўйилган вазифаларни тўлиқ ва кенг ҳал этиш учун катор услубларни қўллайди.

Иқтисодиётни модернизациялаш шарoитида ҳар бир воситани маълум бир хусусиятлари бўйича таснифлаш ва таркибий жойлаштириб чиқиш мумкин бўлади. Хусусан, корхоналарнинг асосий воситаларини ҳам маълум бир хусусиятлари бўйича таснифлаб чиқиш ва уларни таҳлил қилиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳозирги кунда асосий воситаларни қуйидаги хусусиятлари бўйича таснифлашимиз мумкин:

1. Асосий воситаларнинг корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнида қатнашишига қараб:

- актив асосий воситалар;
- пассив асосий воситалар.

2. Асосий воситаларни маълум тармоқларга бўйсунушига қараб:

- ишлаб чиқариш асосий воситалари;
- бошқа тармоқ асосий воситалари;
- ноишлаб чиқариш асосий воситалари.

3. Асосий воситаларнинг фойдаланиш жараёнидаги қатнашишига қараб:

- фойдаланишдаги асосий воситалар;
- фойдаланишдан олиб қуйилган (консервация қилинган) асосий воситалар.

4. Асосий воситаларнинг турларга ажратилиши бўйича:

- ер;
- бинолар;
- иншоотлар;
- узатиш мосламалари;
- ҳисоблаш техникаси ва компьютерлар;
- машина ва ускуналар;
- транспорт воситалари;
- асбоб ускуналар;
- хўжалик жиҳозлари;
- ишлаб чиқариш инвентарлари;
- ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар;
- кўп йиллик экинлар ва бошқа асосий воситалар.

5. Мулкӣй эғалигига қараб:

- ўзига тегишли асосий воситалар;
- ижарага олинган асосий воситалар.

Бундан ташқари асосий воситаларнинг яна бошқа бир хусусиятлари бўйича ҳам таснифлаш мумкин.

Ҳозирги шароитда корхоналарда асосий воситаларнинг барча турларини керакли нисбатда ва таркибда бўлишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Асосий воситаларнинг таркиби, уларнинг тузилишини ўрганиш билан бир қаторда динамик ўзгаришларига ҳам баҳо бериб борилади. Динамик ўзгаришлар асосида корхонада асосий воситаларнинг йиллар бўйича мутлоқ ва нисбий ўзгаришларига баҳо берилади.

Асосий воситаларни актив ва пасив фондларга таркиблашда асосий жиҳат уларнинг маҳсулот ишлаб чиқаришдаги бевосита иштирокига

каратилади. Актив асосий воситалар деб маҳсулот ишлаб чиқаришдан бевосита ва билвосита катнашувчи асосий воситаларга айтилади.

Ишлаб чиқариш учун шароит яратиб берувчи асосий воситалар эса пассив асосий фондлар сифатида қаралиб, уларнинг таркибига бевосита бинолар, иншоотлар, ерлар (қишлоқ хўжалиги корхоналаридан ташқари) қиймати ва ҳ.к. киритилади.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида корхоналарнинг асосий воситалар билан етарли даражада таъминланганлигини ўрганиш билан бир қаторда, уларнинг техник ҳолатига ҳам баҳо бериб борилади. Асосий воситалар таркибида йил давомида ўзгаришлар бўлиб беради. Янги асосий воситаларни кирими туфайли асосий воситалар ортиб боради. Эскирган асосий воситаларни ишлаб чиқаришдан чиқариш туфайли асосий воситалар камайиши мумкин. Бундай табиий ҳолатларни бўлиб бериши натижасида асосий воситаларнинг техник ҳолатини таҳлил этишимизни тақозо этади.

Асосий воситаларнинг аҳамияти шундан иборатки, улар меҳнат жараёнида мулкӣ шаклини сақлаб қолади ва ҳар бир босқичдан кейин ишлаб чиқариш соҳасини тарққ этмайди. Уларнинг қиймати маҳсулотга дарҳол эмас, қисмларга бўлинган ҳолда босқичма-босқич ўтиб боради.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида корхоналар молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда асосий воситаларнинг ўрни ниҳоятда каттадир. Асосий воситалар корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнида жуда катта рол ўйнайди, чунки улар барча корхона таянадиган ва корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини баҳолаш мезони бўлган ишлаб-чиқариш техника базасини ташкил этади.

«Асосий воситалар» номли 5-сон БҲМАга асосан, асосий воситалар узоқ давом этадиган вақт мобайнида (бир йилдан ортиқ вақт давомида) моддий ишлаб чиқариш соҳасида ҳам амал қиладиган, шунингдек, ижарага бериш учун фойдаланиладиган моддий активлардир.

Корхоналарда асосий воситаларни ҳисобга олиш қуйидагиларни таъминлаши лозим:

- асосий воситаларнинг олинishi, ҳисобдан чиқарилиши, жойи ўзгартирилишини ҳисобда тўғри ва ўз вақтида акс эттириш;
- асосий воситаларни бошқа активлардан ажратилган ҳолда гуруҳларга бўлиб, уларни ҳисобга олишни ташкил қилиш;
- асосий воситаларни жорий ҳисобда ва бухгалтерия балансида тегишли андозаларга ва меъёрий ҳужжатларга асосан тўғри ва ўз вақтида баҳолаш;
- уларни сотиб олинганидан кейин ҳисобдан чиқарилишига қадар турган жойи (фойдаланиш жойи) бўйича мавжудлиги ва асралишини, айрим ҳолларда уларнинг асралиши учун маъсул бўлган шахслар бўйича назорат қилиш;
- асосий воситаларнинг эскиришини тўғри ва ўз вақтида ҳисоблаб чиқиш ва уни ҳисобда тўғри акс эттириш;
- таъмирлаш бўйича харажатларни аниқлаш ва бу мақсадлар учун ажратилган воситаларнинг оқилона ишлатилишини назорат қилиш;
- эскирган, хўжалик учун ортиқча бўлган асосий воситаларни ўз вақтида ҳисобдан чиқаришни таъминлаш;
- ҳисобдан чиқарилган асосий воситалар бўйича молиявий натижаларни тўғри ва ўз вақтида аниқлаш.

Асосий воситаларнинг тўлиқлигини аниқлаш мақсадида асосий воситаларнинг айрим турлари бўйича тўлиқ текширувни ташкил қилиши лозим. Асосий воситаларнинг аналитик ҳисоби юритиладиган инвентар карточкаларда барча реквизитларнинг ўз вақтида ва тўлиқ акс эттирилганлигига алоҳида аҳамият бериш керак. Сабаби бунинг билан бир хил номланувчи янги ва эски воситаларнинг карточкаларининг алмаштирилиши олди олинади. Шунингдек текшириш давомида инвентар карточкалар сонини асосий воситаларнинг натурал миқдори билан солиштириш зарур. Агарда инвентар карточкалар очилмай қолган бўлса,

албатта сабаблари аниқланиб уни тиклаш бўйича таклиф бериш керак. Инвентар карточка маълумотлари тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш учун танлов асосида текширув ўтказиш лозим.

Текширишда ҳар бир қурилган ёки сотиб олинган асосий воситаларнинг тўғри ва аниқ ҳамда ўз вақтида тегишли ҳужжатларга асосан қабул қилинганлигини, бухгалтерия ҳисобида тўғри юритилаётганлигини текширилади ва банк балансига қабул қилинган асосий воситаларнинг сақланишини, фойдаланаётганлик даражаси таҳлил қилинади.

1.2. Асосий воситалар ҳисобини халқаро ва миллий стандартлар асосида ташкил этиш тамойиллари ва вазифалари

Республикамиз иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви жараёнида асосий воситалар ҳисоби ва аудитини ислоҳ қилиш республикамизда мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда, халқаро стандартлар доирасида ташкил этиш ва юритишни талаб этади. Асосий воситалар ҳисобини юритишда, аввало, ҳисоб юритиш сиёсатига амал қилиш лозим. Ҳисоб юритиш сиёсати деганда хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни тамойил ва меъёрий қоидаларига мос равишда юритиш ва тузиш учун қўлланиладиган усуллар мажмуи тушунилади.¹

Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсати субъект томонидан молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тузишда қўлланиладиган ўзига хос қоидалар ва амалий ёндашувларни ифодалайди.

Буни таъминлаш учун, аввало хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатида, хусусан, асосий воситалар ҳисобини ташкил этиш ва юритиш сиёсати «Ҳисоб юритиш сиёсати ва молиявий ҳисобот» номли 1- сон БХМСга асосан ишлаб чиқилиши керак. Асосий воситалар ҳисобини ташкил этиш ва юритиш ҳисоб сиёсати қуйидагиларни таъминлаши

¹ «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» номли 1-сон БХМС. 3-банд.

ЛОЗИМ:²

- асосий воситалар ҳисоби фойдаланувчилар эҳтиёжи учун аҳамиятли бўлиши;
- асосий воситалар ҳисобини ишончли бўлиши;
- айнан шундай фаолият юритувчи бошқа субъектларнинг асосий воситалар юзасидан молиявий ҳисоботларини таққослаш имкониятини бериши;
- асосий воситалар ҳисоби тушунарли ва оддий бўлиши лозим.

Асосий воситалар ҳисобининг умумий натижаларини ўзида акс эттирувчи «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисида»ги 3-сон шакл ҳисобот ҳам мазкур 1-сон БХМСга асосан ишлаб чиқилади ва керакли органларга тақдим этилади.

Асосий воситалар ҳисобини юритиш ва ҳисоботини тузушни ташкил қилишнинг аниқ йўналиши бўйича субъектнинг ҳисоб сиёсати шакллантирилишида Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни ва шу мавзуга тегишли қонун ҳужжатларини қўллаш зарур.

Хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситалар ҳисобини юритиш сиёсатини танлаш ва асослашга таъсир қилувчи омиллар куйидагилар ҳисобланади:

- хўжалик юритувчи субъектнинг ташкилий ҳуқуқий шакли;
- мулкчилик шакли;
- фаолият тури ва тармоқ бўйсунуви;
- ишлаб чиқариш кўлами ҳамда ишлатиладиган воситалар миқдори;
- солиққа тортиш муносабати;
- бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектнинг ҳаракат қилиш эркинлиги даражаси;

² «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» номли 1-сон БХМС. 3-банд.

- молия хўжалик фаолияти шунингдек, асосий воситалар ва уларга маблағларнинг йўналтирилишининг ривожланиш стратегияси;
- бошқарув фаолиятининг техник жиҳатдан қуролланганлиги;
- хўжалик юритувчи субъектни асосий воситалар ҳисоби маълумотлари билан таъминланишини самарали тизимининг мавжудлиги;
- асосий воситалар ҳисобини юритувчи бухгалтер ходимининг малакаси, ташаббускорлиги ва тадбиркорлиги;
- асосий воситалар самарадорлигидан моддий манфаатдорлик ва мажбуриятлар бўйича моддий жавобгарлик тизими.

Асосий воситалар ҳисобини юритиш ташкил этилган ҳисоб юритиш сиёсати асосида ташкил этилиб, у календар йилида ўзгартирилмайди.

Ҳисоб маълумотларидан фойдаланувчилар доираси анча кенгайиб бораётганлиги, интеграция жараёнлари чуқурлашаётганлиги, қўшма корхоналар барпо этилаётганлиги, жаҳон молия бозорига (қимматли қоғозлар биржалар, халқаро банклар, фондлар ва бошқаларга) чиқиляётганлиги сармоялар, ишчи кучи ва валютанинг айрим мамлакатлар ўртасида эркин ҳаракатланиши зарурлиги бухгалтерия ҳисоби тизимини жаҳон стандартларига мос равишда юритишни янада кучли талаб этмоқда. қолаверса, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини халқаро талабларга мувофиқ ўзгартириш кейинги вақтларда Ўзбекистон учун ҳам тобора долзарб вазифага айланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида республикада халқаро стандартларга тўла-тўқис мос келувчи бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини бир нечтаси ишлаб чиқилди ва амалиётга кенг жорий этилмоқда.

Республикамизда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун асосида ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу стандартлар бухгалтерия ҳисоби шакллари ва усуллари танлашда хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини кенгайтирибгина қолмасдан, ҳисоб ахборотининг ишончлилиги учун уларнинг

маъсулиятини ҳам талаб этади.

Мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилишда халқаро тамойилларга асосланган ҳисобварақлар режасининг қабул қилиниши навбатдаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Янги ҳисобварақлар режаси Ўзбекистон Республикасида фаолият юритиб келаётган корхоналарнинг ташқи иқтисодий алоқаларга киришишида, жаҳон иқтисодий интеграциясига қўшилишида асосий восита бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодиётнинг эркинлашуви, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви, ўз навбатида, мавжуд қонунчилик базасини доимий равишда такомиллаштириб боришни, уни халқаро меъёрлар ва стандартларга мослаштириб боришни талаб этади.

Халқаро стандартлар талабларидан келиб чиққан ҳолда, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини соддалаштирилган тизими, хўжалик юритувчи субъектнинг олиб бораётган фаолияти ва иқтисодий аҳволи тўғрисида тўлиқ тасаввурни шакллантиришда ёрдам беради, бу эса, ўз навбатида, бухгалтерия ҳужжатларини барча фойдаланувчиларга, жумладан, чет эл инвесторларига қулайлигини оширади.

Республикаимизда олиб борилаётган ислохотларнинг самараси ўлароқ, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ишлаб чиқилмоқда. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини ишлаб чиқишда, аввало, халқаро стандартларга асосланилади. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари Халқаро бухгалтерия стандартлари қўмитаси (ХБСК) томонидан ишлаб чиқилади. Ушбу қўмита 1973 йилда тўққиз мамлакат (Канада, Австрия, Германия, Франция, Япония, Мексика, Нидерландия, Буюк Британия ва АҚШ)нинг профессионал бухгалтерия тузилмалари томонидан таъсис этилган. Айтилишига келиб мазкур ташкилот 30 дан ортиқ стандартни ишлаб чиқди ва эълон қилди.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини халқаро талабларга мувофиқ ўзгартириш кейинги вақтларда республикаимизда тобора ўзига хос масала бўлиб бормоқда. Бунга, биринчидан, халқаро бозорларда иш олиб

борадиган компаниялар ўртасида муносиб муомала тили бўлишини талаб қилувчи жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши, иккинчидан, халқаро стандартларни чуқур ўрганиш ва уларни мамлакатимиз амалиётида кенг қўлланиш зарурлиги сабаб бўлмоқда. Шу боисдан ҳам бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини ишлаб чиқишда бевосита халқаро стандартларга таянилмоқда.

Асосий воситалар ҳисобини юритишда меъёрий хужжат ҳисобланмиш миллий стандартларни амалга киритиш зарурати энг аввало, асосий воситалар ҳисобининг базавий қоидалари ва тамойилларини тушунтириш ва умумлаштириш, асосий тушунчаларни баён қилиш, ҳисобга олиш усулларини назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикасида асосий воситалар ҳисобининг ўзига хос хусусиятларини қўллашдан иборат бўлиб ҳисобланади.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг кўрсатмалари ва моддалари бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида (БХМС) ўз ривожини топди.

Хўжалик юритувчи субъектнинг иш фаолияти давомийлигини таъминлашда муҳим ўрин тутувчи асосий воситаларни юритиш бўйича ҳам стандартлар қабул қилинган. Бу «Асосий воситалар» номли 5-сон БХМС бўлиб, у корхона, ташкилот ва муассасаларда асосий воситаларни ҳисобга олиш тартибини белгилаб беради. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни асосида ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини меъёрий жиҳатидан тартибга солиш тизимининг элементи бўлиб ҳисобланади.

Ушбу стандартнинг мақсади хўжалик субъектига мулкӣ, хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқида тегишли бўлган асосий воситаларни ҳисобга олиш услубларини белгилашдан иборатдир.

Асосий воситаларни ҳисобга олишдаги асосий қоидалар уларни активлар деб эътироф этиш пайтини аниқлаш, бу активларга нисбатан

қўлланилиши лозим бўлган уларни баланс қиймати ва амортизация меъёрини аниқлаш, шунингдек, асосий воситаларнинг баланс қийматидаги бошқа ўзгаришларни аниқлаш ва ҳисобга олиш, амортизация ажратмаларини ҳисоблаб чиқариш ва чиқарилгандан кейинги натижаларни ҳисоблаб чиқаришдан иборат бўлади.

Мазкур стандарт асосий воситаларни, агар улар 1-сон БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” бўйича белгиланган таърифлар ва мезонларга мос келса, активлар деб эътироф этишни талаб қилади.

«Асосий воситалар» номли 5-сон БҲМС хўжалик субъектлари томонидан барча асосий воситаларни, жумладан, муддатли ижарани ҳам ҳисобга олиш чоғида қўлланилади, бухгалтерия ҳисобининг бошқа стандарти шартлари бўйича асосий воситалар бухгалтерия ҳисобининг бошқа услуги қўлланиши талаб этилса, ёки шунга йўл қўйиш ҳоллари бундан мустасно.

Шунингдек асосий воситалар ҳисобини юритишда «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» номли 1-сон БҲМС, «Асосий хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар» номли 2-сон БҲМС, «Лизинг ҳисоби» номли 6-сон БҲМС, «Бухгалтерия баланси» номли 15-сон БҲМС, «Бухгалтерия баланси тузилган санадан кейинги кутилмаган ҳодиса ва хўжалик фаолиятида содир бўладиган воқеалар» номли 16-сон БҲМС, «Капитал қурилиш бўйича пудрат шартномалари» номли 17-сон БҲМС, «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» номли 19-сон БҲМС, «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» номли 21-сон БҲМСларидан кенг фойдаланилади. Ушбу стандартлар ва шу каби бошқа меъёрий ҳужжатлар асосий воситалар ҳисоби ва уларни аудитини ташкил этиш ҳамда юритиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Асосий воситалар ҳисоби мазкур стандартлар доирасида ташкил этилганлиги ва юритилишини текшириш ва шунга кўра баҳо бериш асосий воситалар юзасидан ўтказиладиган аудиторлик текширувининг асосий эътибор қаратиладиган томонини ташкил қилади.

Асосий воситаларни бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиш учун куйидаги ҳисобварақлар очилган:

1-жадвал³

Асосий воситаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар

Т.р.	ҳ.в. №	ҳисобварақ номи	ҳ.в. туркуми
1	0110	«Ер»;	А
2	0111	«Ерни ободонлаштириш»;	А
3	0112	«Молиявий лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ўзлаштириш»;	А
4	0120	«Биолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар»;	А
5	0130	«Машина ва жиҳозлар»;	А
6	0140	«Мебель ва офис жиҳозлари»;	А
7	0150	«Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси»;	А
8	0160	«Транспорт воситалари»;	А
9	0170	«Иш ҳайвонлари ва маҳсулдор ҳайвонлар»;	А
10	0180	«Кўп йиллик экинлар»;	А
11	0190	«Бошқа асосий воситалар»;	А
12	0199	«Консервация қилинган асосий воситалар».	А

Ушбу ҳисобварақлар актив бўлиб, уларнинг дебет томонидаги сальдо ҳўжалик юритувчи субъектларда мавжуд асосий воситаларнинг дастлабки қийматини акс эттиради. Асосий воситаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг дебет томонида уларнинг кўпайиши, кредит томонида эса камайиши ўз ифодасини топади.

Ўз навбатида шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, бухгалтерия ҳисобининг халқаро ва миллий стандартлари асосида ва Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ асосий воситалар ва

³ Ўзбекистон Республикасининг 21-сон БҲМС

уларни амортизацияси ҳисобини ташкил этиш ва юритиш тамойиллари куйидаги қоидаларга асосланади:⁴

- асосий воситалар ҳисобини икки ёқламали ёзув асосида юритиш;
- асосий воситалар ҳисобини узлуксиз юритиш;
- асосий воситаларни пулда баҳоланиши;
- асосий воситалар ҳисоби маълумотларини аниқлиги;
- асосий воситалар ҳисобида ҳисоблаш тамойили;
- асосий воситалар ҳисобини юритишда олдиндан кўра билиш;
- асосий воситалар ҳисобида мазмуннинг шаклдан устунлиги;
- асосий воситалар ҳисобида кўрсаткичларнинг жипсланувчанлиги;
- асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботнинг бетарафлиги;
- асосий воситалардан кўрилган даромадларнинг ҳисобда тўғри акс эттирилганлиги;
- асосий воситаларга қилинган харажатларнинг ҳисоб объектларида тўғри ифодаланганлиги;
- асосий воситаларнинг ҳақиқий баҳоланиши.

Ушбу қоидалар доирасида асосий воситалар ҳисоби ташкил этилади ва юритилади. Ҳисоб тамойиллари ва стандартлари асосий воситалар ҳисобини юритишда асос бўлиш билан биргаликда, республикада асосий воситалар ҳисобининг ягоналигини таъминланишига хизмат қилади.

Республикаимиз Президенти таъкидлаганларидек: «Биз – хусусий мулкнинг миқёси ва улуши узлуксиз ўсиб борадиган кўпукладли иқтисодиётни ривожлантириш тарафдоримиз.

Дунё тажрибаси шундан далолат берадики, жамиятда том маънодаги мулкдорлар синфининг кўпчиликини ташкил этиши ижтимоий ҳаётдаги барқарорлик ва фаровонликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.»⁵

⁴ Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни, 6-модда.

⁵ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2000 й., 15-б.

Шундай хусусий мулкчиликнинг миқёси ва улуши ўсиб бораётган бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ҳаётдаги барқарорлик ва фаровонликни асосини таъмин этувчи мулкдорлар синфига уларнинг тасарруфидаги мулклари тўғрисида тўлиқ, ишончли ва тезкор маълумотлар билан таъминлашни йўлга қўйиш бўйича иқтисодий ислохотларни амалга ошириш кераклиги талаб этилади. Бу қабул қилинаётган миллий стандартларимиз, ишлаб чиқиладиган меъёрий ҳужжатларимизда ўз аксини топмоқда.

Хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситалар ҳисобининг асосий мақсади фойдаланувчиларни ўз вақтида тўлиқ ҳамда аниқ асосий воситалар юзасидан молиявий ва бошқа бухгалтерия ахборотлари билан таъминлаш ҳисобланади.

Ушбу жумладан келиб чиққан ҳолда, бухгалтерия ҳисобининг фойдаланувчилар ва қизиқувчиларни асосий воситалар ҳисоби юзасидан тўлиқ ва ишончли маълумотлар билан ўз вақтида таъминлаш учун хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситалар ҳисоби қуйидаги вазифаларни бажариши лозим:

- мулкчилик усулидан қатъий назар асосий воситалар ҳисобини Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил этиш ва юритиши;
- мавжуд асосий воситаларни меъёрий ҳужжатлар асосида баҳоланишини таъминланиши;
- асосий воситаларнинг ҳаракатини ҳисобда тўғри ва ўз вақтида акс эттириш;
- бошқа активлардан асосий воситаларни ажратилган ҳолда гуруҳларга туркумлаб, уларни ҳисобини юритишни ташкил этиш;
- асосий воситаларнинг ҳолати ва сақланишини ҳисобга олиш, турган жойи (фойдаланиш жойи) бўйича мавжудлиги ва сақланишини, айрим

- ҳолларда уларнинг сақланиши учун маъсул бўлган шахслар бўйича назорат қилиш;
- асосий воситаларнинг эскиришини тўғри ва ўз вақтида ҳисоблаб чиқиш ва уни ҳисобда тўғри акс эттириш;
 - асосий воситаларга қилинадиган амортизация ажратмаларини меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда ҳисобини юритиш;
 - таъмирлаш бўйича харажатларни аниқлаш ва бу мақсадлар учун ажратилган воситаларнинг оқилона ишлатилишини назорат қилиш;
 - эскирган, хўжалик учун ошиқча бўлган асосий воситаларни ўз вақтида ҳисобдан чиқаришни таъминлаш;
 - ҳисобдан чиқарилган асосий воситалар бўйича молиявий натижаларни тўғри ва ўз вақтида аниқлаш;
 - асосий воситалар учун мулк тўловлари суммасини тўғри аниқлаш;
 - мавжуд асосий воситаларни иш билан таъминлаш ва уларни ошиқчасини аниқлаш;
 - ижара муносабатидаги асосий воситалар бўйича ижара тўловларини ўз вақтида расмийлаштириш ва тўлов амалга оширилишини назорат қилиш;
 - асосий воситаларнинг ҳолати ва ҳаракати бўйича тузиладиган ҳисоботларни ўз вақтида тузиш ва тегишли ташкилотларга тақдим этилишини таъминлаш ва бошқалар.

2.БОБ. Халқаро ва миллий стандартлар асосида асосий воситалар ҳисобини ташкил этишнинг амалдаги ҳолати

2.1. Фойдаланишга қабул қилинган асосий воситаларни ҳисобга олиш

Асосий воситалар хўжалик субъектларининг ишлаб чиқариш жараёнида ҳамда ноишлаб чиқариш жараёнларида кенг фойдаланилади.

Қиймати аниқлаб бўлиниб бухгалтерия балансига қабул қилинган асосий воситаларга кейин киритилган капитал маблағлар, фойдали хизмат муддати бошида баҳоланган, фойдаланишдан келадиган бўлажак иқтисодий фойданинг кўпайиш шарти остида бошланғич қийматни кўпайтиради. Айрим бошқа барча харажатлар, улар ишлаб чиқарилган даврдаги операцион харажатлар сифатида эътироф этилади.

Хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситаларни киримга олиш, уларни фойдаланишга бериш, сотиш ёки бошқача тартибда чиқариш муомалалари муайян ҳужжатларда расмийлаштирилишни талаб этади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

Асосий воситалар хўжалик юритувчи субъектларга келиб тушганда раҳбар тайинлаган ҳайъат ҳар бир объект бўйича алоҳида қабул қилиш-топшириш далолатномаси (юк хати)ни расмийлаштириши лозим (АВ-1 шакли).

Далолатномада объект тавсифи, турган жойи, сотиб олиш манбаси, ишлаб чиқарилган ёки қурилган йили, ишга туширилган сана, объектнинг синов натижалари, униш техник шартларга мувофиқлига ва бошқалар кўрсатилиши лозим.

Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш умумий далолатномаси билан бир турдага ва нархи бир хил хўжалик инвентари, асбоблар, дастгоҳлар олинганлигани расмийлаштириш мумкин. Қабул қилиш-топшириш далолатномасига паспортлар, ишлатиш тартиби, йўриқномалар илова қилинади.

Қабул қилинган асосий воситалар ҳар бир объектига инвентар рақами (сони) берилади. Шунинг таъкидлаб ўтиш жоизки, «Асосий воситаларни ҳисоб бирлиги инвентарь объект ҳисобланади. Инвентарь объект деб, алоҳида қуриб битказилган, алоҳида ишларни бажара оладиган ёки яна бир объект ёрдамида тегишли ишларни бажарадиган асосий воситаларга инвентар объектлар оддий(ягона) ва мураккаб(бир неча воситадан иборат) бўлади.

2-жадвал

Асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олувчи ҳужжатлар⁶

Ҳужжат шакллари	Ҳужжат шакллари ному ва тавсифи
АВ-1	Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси. Далолатнома ҳар бир объект учун ёзилиб, бухгалтерияга берилади ва асосий воситани ҳисобга олиш инвентар карточкаларига ёзиш учун асос бўлиб хизмат қилади.
АВ-2	Таъмир қилинган, тикланган ва такомиллаштирилган объектларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси.
АВ-3	Асосий воситаларни тугатиш тўғрисида далолатнома.
АВ-4	Автотранспорт воситаларини ҳисобдан чиқариш далолатномаси.
АВ-6	Асосий воситаларни ҳисобга олиш инвентар карточкаси. Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномалари ва бу объект техник ҳужжатлари асосида ҳар бир объектга инвентар карточкаси очилади.
АВ-7	Асосий воситаларни ҳисобга олиш бўйича инвентар карточкалари рўйхати
АВ-8	Асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олиш карточкаси. Туркум гуруҳлари бўйича асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олиш учун қўлланилади. Карточка маълумотлари асосида асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот тўлдирилади
АВ-9	Асосий воситалар инвентар рўйхати

⁶Манба: Ўзбекистон Республикаси асосий воситаларни ҳисобга олиш тўғрисидаги йўриқнома. 2002й 188 б.

Асосий воситаларнинг инвентарь объектлари бўлиб: барча мосламалари ва жиҳозлари билан объект, муайян мустақил вазифани бажаришга мўлжалланган алоҳида қурилма ҳамда яхлит бирлик тарзда маълум бир ишни бажаришга мўлжалланган воситалар мажмуаси ҳисобланади.

Инвентарь рақами инвентарь объектга металл жетонни қоқиб қўйиш, бўёқ билан белги қўйиш ва бошқа усуллар ёрдамида амалга оширилади. Бу белги объект фойдаланишда бўлган жами давр учун сақланади ва бухгалтерия ҳисобининг барча "бошланғич ҳужжатлари ҳамда регистрларида кўрсатилади. Объект чиқим қилинганда унинг инвентарь рақами ҳисобдан чиқарилган йилдан бошлаб беш йил мобайнида янги кириш қилинган асосий воситаларга берилмайди.

Инвентарь рақам беришда асосан, 001 дан 099 гача инвентар рақамлари биноларга, 100 дан 199 гача иншоотларга, 200 дан 299 га қадар бўлган рақамлар узатиш қурилмаларига берилиши кўзда тутилади.

Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси илова ҳужжатлар билан бирга корхона бухгалтериясига топширилади. Бухгалтерия далолатнома асосида белгиланган намунадаги инвентар варақаси очади (АВ-6 шакли). Бу варақада объект ҳақидаги барча маълумотлар қайд этилади (дастлабки ёки тикланиш қиймати, амортизация ажратмалари меъёри, кириш қилинган пайтдаги эскириш даражаси). Сўнгра инвентар варақалари асосий воситаларнинг тасниф гуруҳлари бўйича махсус рўйхат тузилади (АВ-7 шакли). Рўйхатда қайд қилинган варақалар асосий воситалар картотекасида тармоқ тасниф гуруҳларига, гуруҳ ичида эса турган жойи, фойдаланиш жойи ва турлари бўйича гуруҳланган тартибда сақланади.

Ҳаракатсиз асосий воситалар объектлари варақалари алоҳида гуруҳланади. Асосий воситаларнинг чиқими далолатнома билан расмийлаштирилади ва бу ҳақда инвентарь варақасига қайд қилинади, сўнгра варақа картотекадан олиб қўйилади. Қайта баҳоланган асосий

воситалар объектлари тикланиш қиймати бўйича варақанинг «таъмирлаш, модернизациялаш» бўлимига ёзилади.

Қайта баҳолаш вақтида белгиланган эскириш суммаси варақанинг тегишли бўлимида кўрсатилади.

Асосий воситалар ишлатиладиган жойларда ҳисоб асосий воситаларнинг инвентарь рўйхати бўйича олиб борилади (АВ-9 шакли). Бунда ҳамма моддий жавобгар шахслар билан белгиланган намунада ва икки нусхада моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилади. Шартноманинг бир нусхаси ҳар бир моддий жавобгар шахснинг бухгалтерия (шахсий) жидди (ҳужжатлари мажмуи)да, иккинчи нусхаси шу ходимларнинг ўзида сақланади.

Моддий жавобгар шахслар асосий воситаларни ўз жавобгарлигига олганини инвентаризация рўйхатига имзо қўйиб тасдиқлайди, асосий воситаларнинг кейинги тушумларида эса бирламчи ҳужжатларга имзо қўяди. Асосий воситаларнинг ҳар қандай кўчиши (бошқага бериш, тугатиш ва бошқалар) моддий жавобгар шахсларнинг иштирокида расмийлаштирилади.

Олинган, ҳисобдан чиқарилган хўжалик юритувчи субъект ичида жойи ўзгартирилган (кўчирилган) асосий воситаларнинг инвентар варақалари тегишли қайдлар ўтказилганидан кейин ой охиригача жой-жойига қўймай, алоҳида сақланади. Чунки ҳар ойда шу варақалар асосида асосий воситалар амортизацияси (эскириш) ҳисоб-китоблари тузилади, уларнинг ҳар бир тури бўйича кирим, чиқим оборотлари жамланади ва асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олиш варақаси тўлдирилади.

Асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олиш варақаси (АВ-8 шакли) жорий йил учун январь ойи бошида очилади. Варақада дастлаб асосий воситаларнинг борлиги, турлари бўйича маълумот 1 январь ҳолатига кўрсатилади, сўнгра ҳар ойда ой давомидаги оборотлар ёзувидан кейин кейинги ойнинг 1 кундаги ҳолат бўйича асосий воситаларнинг мавжудлиги қайд этилади. Шу маълумотлар асосида асосий воситалар

ҳаракатининг оборот рўйхати (қайднома) тузилади. Унинг якунлари асосий дафтардаги якунлар билан солиштирилиб чиқилади ва шу асосда корхонанинг асосий воситалари мавжудлиги ва уларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот тузилади. Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши АВ-1 ва АВ-3 шаклларидаги далолатнома билан расмийлаштирилади.

“Асосий воситалар бир неча усулларда олинishi мумкин:

- пул маблағларига;
- кредитга сотиб олиш;
- пулга оид бўлмаган операциялар орқали (айирбошлаш);
- бошқа субъектдан ҳадя сифатида олиш;
- қурилиш йўли билан;
- молиявий ижара шартномаси бўйича;
- устав капиталига қўшиш сифатида.”⁷

Ўзбекистон Республикасида асосий воситаларни ҳисобга олиш мақсадида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти №5 “Асосий воситалар” қабул қилинган бўлиб, унда асосий воситаларни қабул қилиниши қуйидагича акс эттирилиши кўрсатиб ўтилган: “Асосий воситалар қуйидагилар натижасида корхона балансига киритилади:

- а) капитал қўйилмалар тугаганидан сўнг тикланган объектни қабул қилиш-топшириш;
- б) олди-сотди шартномаси бўйича объектни сотиб олиш;
- в) устав сармоясига таъсисчи улуши кўринишида келиб тушиш;
- г) текинга келиб тушиш (ҳадя шартномаси бўйича);
- д) айирбошлаш;
- е) товар-моддий захиралар таркибидан ўтказиш;
- ж) узоқ муддатли ижара (лизинг) шартномаси бўйича олиш;
- и) қиймати белгиланган асосий воситаларга капитал қўйилмалар;
- к) асосий воситаларнинг ортиқча (ҳисобга олинмаган) объектларини

⁷ Молиявий ҳисоб-1. Ўқув қўлланма. Тошкент: НАБАУ, 2010. -206 б. Б.55.

аниқлаш.”⁸

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан асосий воситалар турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлардан, қурилиш ва пудрат ташкилотларидан, аҳолидан сотиб олиниши мумкин. Ушбу муомлалар бухгалтерия ҳисобида қуйидаги счётларда акс эттирилади. Бошқа хўжалик юритувчи субъект ва шахслардан сотиб олинган асосий воситаларни 0830-«Асосий воситаларни сотиб олиш», 0840-«Асосий подани ташкил қилиш», 0890-«Бошқа капитал қўйилмалар» счётларининг кредити билан корреспонденцияда 0110-0190-счётлар дебети бўйича кирим қилинади. Асосий воситаларни корхонанинг ўзида қурилса ёки ясалса у ҳолда ушбу харажатлар 0810- «Тугалланмаган қурилиш» счётида ҳисобга олиб борилади.

“Технолг – Станг” ШК янги ишлаб чиқариш фаолияти учун бино сотиб олди, унинг харид қиймати - 5400000 сўм, брокер хизмати учун 150000 сўм ҳамда юрист хизматида 100000 сўм тўлаган, ҳужжатларни расмийлаштиришга 150000 сўм харажат қилинган. Ушбу муомалаларни бухгалтерия ҳисобида қуйидаги бухгалтерия ёзувлари билан акс эттирилади:

-харид қилинган бино қийматида: .

Дебет 0820-«Асосий воситаларни сотиб олиш» - 5800000 сўм

Кредит 5110-«Пул маблағлари» - 5800000 сўм.

-бино балансга қабул қилинди:

Дебет 0120-«Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар» - 5800000 сўм

Кредит 0820-«Асосий воситаларни сотиб олиш» - 5800000 сўм.

Асосий воситани сотиб олиш чоғида рўйхатдан ўтказиш йиғимлари ва божлар 0820-«Асосий воситаларни сотиб олиш» счёти дебети ва 6990 «Бошқа кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» счёти кредити кўринишида ҳисобдан чиқарилади.

⁸ Ўзбекистон Республикаси миллий бухгалтерия ҳисоби стандарти МБҲС№5 “Асосий воситалар”.

Фойдаланишга қабул қилинган асосий воситалар бўйича қўшилган қиймат солиғи уларнинг дастлабки қийматини қўпайтиради ҳамда эскириш қийматини оширган ҳолда, корхона харажатларига аста – секин ўтказилади.

Хўжалик юритувчи субъектларга асосий воситалар қабул қилинаётганда махсус тузилган ҳайъат томонидан асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далояятномасини тузиш билан расмийлаштирилади. Ушбу далолатномада асосий воситаларнинг дастлабки баҳоси, эскириш суммаси, қабул қилинаётган воситанинг қисқача тавсифи, ҳайъат аъзоларининг исми-шарифи, моддий жавобгар шахс томонидан қабул қилиниши кўрсатилади. Бунда ушбу далолатномага тавсифловчи техник ва бошқа ҳужжатлар илова қилинади ва далолатнома хўжалик юритувчи субъектлар раҳбари томонидан тасдиқланади.

Хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси тасдиқлангандан сўнг уни бухгалтерияга берилади, шу далолатнома асосида ҳар бир объектга инвентарь варақаси очилади.

Асосий воситалар хўжалик юритувчи субъектлар томонида қуриш йўли билан ҳам кирим қилиниши мумкин, ўз навбатида асосий воситаларни қуриш икки хил усул: пудрат ёки хўжалик усулида қурилиши мумкин. Тегишли шартномалар асосида хўжалик юритувчи субъект мутахассислари ва четдан жалб этилган мутахассислар кучи билан барпо этилган асосий воситалар объектлари 0810-«Тугалланмаган қурилиш» счёти кредити билан корреспонденцияда 0110-0190- счётлар дебети бўйича ҳақиқий таннархига қараб асосий воситалар сифатида кирим қилинади.

Ўз кучи билан қурилган асосий воситалар объектларининг баланс қийматига ўсиб боровчи якун билан барча бевосита харажатлар: материал, ишчи кучи ва бошқа харажатлар, шунингдек қурилиш жараёнига бевосита тегишли бўлган қўшимча харажатлар киритилади.

Харажатлар қурилиш давомида қурилиш тугаллангунига қадар 0810-«Тугалланмаган қурилиш» счётида акс эттирилади. Қурилиш тугалланганидан кейин ва фойдаланишга топширилганида 0810- счётида жамланган барча харажатлар суммаси 0120-«Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар» счётига ўтказилади ҳамда кейинги ойдан бошлаб ундан амортизация ҳисобланиши лозим.

Бошқа корхона ёки жисмоний шахслардан текинга, шунингдек, ҳукумат органларининг субсидияси сифатида олишан асосий воситалар 8530-«Текинга олинган мулк» счёти билан корреспонденцияда 0110- 0190- счётлар дебети бўйича қирим қилинган санада эксперт йўли билан, бозор қиймати бўйича белгиланган баҳода акс эттирилади.

Транспорт воситаси бепул олинди. Мазкур муомала бўйича ҳисобда қуйидаги проводка берилади (бозор баҳосида):

Дебет 0160-«Транспорт воситалари»;

Кредит 8530-«Текинга олинган мулк» .

Солиқ қонунчилигига мувофиқ, бепул олинган асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати даромад (фойда) солиғини ҳисоблаш базасига киритилади ва ундан солиқ ундирилади.

Таъсисчилар устав капиталига улуш сифатида киритган ёки акциялар ҳақини тўлаш ҳисобига берган асосий воситаларни қирим қилиш 4610-«Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзлари» счёти кредити ҳамда 0110-0190- счётлар дебетида акс эттирилади.

Хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситаларни ҳисобдан чиқарилишини турли усуллари мавжуд. Уларни турли манбаларда турлича гуруҳлаш таклиф қилинган. Масалан асосий воситаларни бухгалтерия ҳисобида уларни таркибдан чиқарилиши турлича амалга оширилиши сабабли умумлаштирилиб қуйидагича туркумланган. “Асосий воситалар уч усул билан чиқиб кетади:

А)тугатилиши;

Б)сотилиши;

В)айирбошлаш.”⁹ ҳисобдан чиқарилиши :Қуйидаги хўжалик операциялари натижасида асосий воситалар объектларининг қиймати хўжалик юритувчи субъект активлари таркибидан чиқиб кетади:

- 1.сотилганда;
- 2.тугатилганида;
- 3.бошқа корхона ва шахсларга бепул берилганида;
- 4.бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг устав капиталига улуш сифатида қўшилганида;
- 5.молиявий лизинг шартномасига кўра топширилганида;
- 6.камомад ёки йўқотиш аниқланганида.

Асосий воситалар чиқиб кетганида уларнинг дастлабки қиймати асосий воситаларни ҳисобга олишнинг тегишли счётлар кредитига 9210-«Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши» ҳисобварағи дебетига ёзиб ҳисобдан чиқарилади. Асосий воситаларни четга сотишдан тушган тушум 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти кредити бўйича 4890-«Бошқа дебиторлар қарзлари-жорий қисми» ва 0990-«Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган қарзлар» счётлари билан корреспонденцияда акс эгтирилади.

Асосий воситалар чиқиб кетганида улар бўйича ҳисобланган эскириш суммаси 0210-0290- счётлари дебетидан 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти кредитидан ҳисобдан чиқарилади.

Тўлиқ амортизация қилинмаган асосий воситаларнинг реализация қилинишидан кўрилган фойда (зарар) реализация қилинадиган асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) қиймати, қўшилган қиймат солиғи (фақат ҚҚС тўловчилари учун) ҳамда сотиш харажатлари ва тушумларига тўғриланган, ойнинг 1-санасига ҳисоблашан эскириш ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

“Технолог-Станг”ШК да асосий восита ҳисобдан чиқарилди:
Дебет 4890-«Бошқа дебиторлик қарзлари»;

⁹ Молиявий ҳисоб-1. Ўқув қўлланма. Тошкент:НАБАУ, 2010. -206 б. Б.70.

Кредит 9210-«Асосий воситаларни чиқиб кетиши»

Дебет 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»

Кредит 0130-«Машина ва ускуналар»

Эскириш қиймати ҳисобдан чиқарилди:

Дебет 0230-«Машина ва ускуналарнинг эскириши»

Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши»

Асосий воситаларни бепул беришдан кўрилган зарарлар тескари ҳисоблаш йўли билан бераётган хўжалик юритувчи субъектда солиққа тортиладиган базага киритилади.

Асосий воситалар бошқа хўжалик юритувчи субъектнинг устав капиталига бадал сифатида киритилиши мумкин.

Дебет 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»

Кредит 0130-«Машина ва ускуналар»

эскириш қиймати ҳисобдан чиқарилди:

Дебет 0230-«Машина ва ускуналарнинг эскириши»

Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»

Устав капиталда бадал киритишда шартнома қийматининг баланс қийматидан ошиб кетиши корхона даромади бўлиб ҳисобланмайди ва солиққа тортилмайди.

Асосий воситаларни молиявий лизинг шартномасига кўра топширишда асосий воситаларни жорий қийматигача қайта баҳолаш амалга оширилиши мумкин.

Асосий воситаларниш бошланғич қиймати (агар топшириладиган объектдан фойдаланилмаган бўлса) ёки қолдиқ қиймати (агар топширгангача объектдан фойдаланилган бўлса) ва жорий қиймати орасидаги фарқ, улар молиявий лизинг шартномасига кўра топширилган тақдирда келгуси даврлар даромад (харажат)лари сифатида акс эттирилади. Лизинг тўлови ҳисоблаб ёзилиши давомида улар бир маромда (ҳар ойда) молиявий фаолиятдан олинган даромадга киритилади.

Лизинг берувчи корхона бошланғич қиймати 3500000 сўмлик бўлган ускунани молиявий лизинг шартномасига кўра топширади, 3000000 сўмлик шартнома қиймати бўйича ҳисоблаб ёзилган, эскириш қиймати 1400000 сўм.

Бухгалтерия ўтказмалари қуйидагича бўлади:

- шартнома баҳоси бўйича чиқиб кетиш ҳамда жорий ва узоқ муддатли қисмини ажратган ҳолда бутун лизинг даври учун белгилаган лизинг тўловларининг акс этиши:

Дебет 0920, 4810-«Молиявий лизинг бўйича олинадиган тўловлар» - 3000000 сўм Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» -3000000 сўм.

- бошланғич қийматни ҳисобдан чиқариш:

Дебет 9210-«Асосий воситаларни чиқиб кетиши» -3500000 сўм;

Кредит 0130-«Машина ва ускуналар» - 3500000 сўм.

-ҳисобланган эскиришни ҳисобдан чиқариш:

Дебет 0230-«Машина ва ускуналарнинг эскириши» -1400000 сўм;

Кредит 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»
1400000 сўм.

Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши натижасини акс эттириш қуйидагича бўлади:

Дебет 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» -900000 сўм;

Кредит 7230, 6230-«Муддати узайтирилган даромад» - 900000 сўм. - лизинг тўловлари келиб тушганда:

Дебет 5110-«Ҳисоб-китоб счети»;

Кредит 4810-«Лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар».

Бир вақтнинг ўзида молиявий фаолиятдан олинган даромаддан муддати узайтирилгани даромаднинг тегишли қисмини ҳисобдан чиқариш бухгалтерияда қуйидагача акс эттирилади: Дебет 6230-«Муддати узайтирилган даромад»;

Кредит 9550-«Молиявий лизинг шартномасига кўра мол-мулкни топширишдан олинган даромад».

2.2. Асосий воситалар амортизациясини (эскириши) ҳисобга олишни ташкилий масалалари

Иқтисодиётнинг реал секторларини қўллаб-қувватлаш мақсадида республикамизда кўплаб чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Ишлаб чиқариш харажатларини ҳамда ишлаб чиқарилаётган ва экспорт қилинаётган маҳсулот таннархини кескин камайтириш бўйича муҳим чоралардан бири бўлиб, хўжалик юритувчи субъектлар-экспортёрлар асосий воситалари бўйича амортизация ҳисоблаш сиёсатини изчил тартибга солиниши ҳисобланади. “Хўжалик юритувчи субъектлар-экспортёрлар томонидан амортизацияни ўрнатилган меъридан камроқ ҳисоблаш тартиби тўғрисида”ги Вақтинчалик низом ишлаб чиқилди. Ушбу Вақтинчалик низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 28 январдаги 10-сон, 63-сон ва 2009-2-қарори билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 5 февралда 1897- сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Чора-тадбирлар дастурининг 1-сонли “Экспортёр корхоналар фаолияти барқарорлигини таъминлаш ва қўллаб қувватлаш чора – тадбирлар” бўлими 1.2 бандига асосан, истисно тариқасида 2009-2010 йилларда хўжалик юритувчи субъектлар , яъни экспортёр –корхоналар томонидан амортизация ажратмаларини ўрнатилган меъридан камроқ ҳисоблашни ва агар ишлаб чиқараётган маҳсулотларининг жаҳон бозоридаги нархи таннарихидан паст бўлган ҳолларида Молия вазирлигининг рухсати билан 6 ой муддатга амортизация ҳисоблашни тўхтатилишига рухсат берилиши тўғрисидаги вақтинчалик тартиб жорий этилиши кўзда тутилган.

Вақтинчалик низомга мувофиқ, мамлакатимиз экспортёр-

корхоналари 2010 йилнинг 31- декабригача асосий воситалар бўйича ўрнатилган меъёрдан камроқ амортизация ҳисоблаш ёки амортизация ҳисоблашни вақтинчалик тўхтатиш ҳуқуқига эгадир.

Таъкидлаш мумкинки, вақтинчалик низом ўз маҳсулоти(иш,хизмати) экспортини амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектлари томонидан 2009-2010 йиллар даври мобайнида асосий воситалар бўйича амортизацияни ўрнатилган меъёрдан камроқ ҳисоблаш ва шунингдек 6 ойгача бўлган муддатга улар бўйича амортизация ҳисоблашни тўхтатиш тартибини белгилаб беради.

Бинобарин, ушбу вақтинчалик низом, ўз маҳсулот (иш,хизмат)ларини қонунчиликда ўрнатилган тартибда экспорт қилувчи Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектларига,яъни экспортёр-корхоналарга тааллуқлидир.

Агарда хўжалик юритувчи субъект ишлаб чиқараётган маҳсулотларини ҳам экспортга,ҳам мамлакатимизнинг ички бозорида сотган ҳолларда ёки корхона чет эл давлатларда баъзи бир хизматлар турини кўрсатганда,ёки баъзи бир ишлар турини бажарган ҳолларда (иш ва хизматлар экспорти билан шуғулланади), мос равишда ушбу хўжалик юритувчи субъект юқорида таъкидлаб ўтилган Вақтинчалик низом асосида иш юритиши лозим.

Юқоридаги низомга мувофиқ ҳозирги кунда тегишли ишлар олиб борилмоқда. Шунга асосан асосий воситалар амортизациясини,ҳисоблаш усуллари ва ҳаражатга олиб борилиши тартибини кўриб чиқамиз.

Исманов И.Н. томонидан ҳаражатларнинг даромадлар билан мутаносиблик тамойилини амалга оширишда амортизация суммасини захиралаш усули таклиф тариқасида киритилган¹⁰.

Проф. Н.П.Кондраковнинг ёзишича¹¹ “Асосий воситаларни бошланғич қийматига нисбатан ҳисобланадиган амортизация

¹⁰ Исманов И.Н. “Узоқ муддатли активларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш масалалари”: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун дис. Авторефати. Тошкент, БМА - 2009.-33 б.

¹¹ Кондраков Н.П.Бухгалтерский учет : Учебник/ -М.:ИНФРА-М, 2007.-592 с.

суммаларнинг нормалари давлат тамонидан тасдиқланган ягона нормалар асосида ҳисобланади ва асосий воситалар ишлатиладиган тармоқларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни таннархига киритилади”.

Амортизация нормаси = $1\,000\,000 * 100 / 8 = 12,5\%$

Бир йиллик амортизация суммаси 125 000 сум, 1 гектар учун амортизация суммаси 25 сум, 8 йил жараёнида норма бўйича 2 марта капитал ремонт, хар капитал ремонт ўртасида 3 мартадан жорий ремонт қилинади.

Асосий воситани амортизацияси – бу активдан фойдаланиш мобайнида унинг бошданғич қийматини фойда келтириш даврига мос равишда ҳаражатлар кўринишида ҳисобдан чиқариб бориш тушунилади.

Асосий воситалар ишлаб чиқариш жараёнида ва табиат кучлари таъсирида секин-аста эскириб боради. Ўзининг қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ёки бажарилаётган иш қийматига секин-аста ўтказди. Улар икки хил - жисмоний ва маънавий эскиради. Объектнинг фойдаланиш жараёнидаги эскириши жисмоний эскириш деб юритилади. Юкори меҳнат унумдорлигини таъминлайдиган, тузилиши жиҳатидан мукамал бўлган янги объектларнинг ишлаб чиқарилиши аввал фойдаланишда бўлган эски объектларни жисмоний жиҳатдан тўла эскиргунга қадар ишлаб чиқаришдан сиқиб чиқаради. Бу маънавий эскириш деб юритилади.

Асосий воситаларнинг маҳсулот қийматига ўтказилган кисми уларни қайта тиклаш манбаи ҳисобланади. Маҳсулот ёки бажарилган иш таннархига ўтказиб бориладиган асосий воситалар эскирган қисмининг қиймати амортизация ёки амортизация ажратмаси деб аталади. Амортизация суммаси объектнинг дастлабки қийматини қайта тиклаш ва капитал таъмир билан боғлиқ ҳаражатларни қоплаши лозим. Амортизация, аввало, оддий такрор ишлаб чиқаришни, яъни асосий воситаларнинг дастлабки қиймати тўла тикланишини таъминлайди. У маълум даражада кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш манбаи бўлади. Чунки эскирган

ускуналар ўрнига янги, юкори меҳнат унумдорлигини таъминлайдиганлари сотиб олинади. Бу, ўз навбатида, меҳнат унумдорлигининг ошишига, таннарх ва умуман капитал харажатларнинг камайишига олиб келади.

Асосий воситалар эскириши ҳисобини олиб боришда қуйидаги кўрсаткичлар бўлиши талаб қилинади:

Амортизация қилинадиган қиймат – активни харид қилиш учун қилинган ҳақиқий харажатлар ёки молиявий ҳисоботда ҳақиқий харажатлар ўрнига акс эттирилган бошқа қийматдан қолдиқ (тугатиш) қийматини чегириб ташлаганлан сўнг қолган қийматдир.

Фойдали хизмат муддати – бу компания томонидан амортизация қилинадиган активдан фойдаланиш кутилаётган даври ҳамда компания активдан фойдаланиб ишлаб чиқаришни кўзлаётган маҳсулотлар миқдоридир.

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида фойдали хизмат муддати, амортизация қилиш усуллари қайта кўриб чиқиш мумкинлиги ҳамда ахборотни ёритиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилади.

Қолдиқ ёки тугатиш қиймати – активнинг хизмат қилиш муддати тугагандан сўнг уни чиқариш бўйича харажатларни чегириб юборгандан кейин қопланиши кутилаётган соф қийматдир.

Баланс қиймати – бу жамғарилган амортизация ва қадрсизланишдан зарарни чегирган ҳолда бухгалтерия балансида активни тан олиш суммасидир.

Асосий воситаларнинг эскириши республика ҳукумати уарори билан тасдиқланган асосий фондлар гуруҳлари бўйича амортизация ажратмасининг ягона меъёри бўйича ҳар ойда ҳисобланади.

Амортизация корхонанинг ҳар даврдаги рентабеллик даражасига қараб ҳисобланиши назарда тутилади, чунки бу харажатлар ҳам корхона аҳволини ёмон қилиб кўрсатишига олиб келиши мумкин. Мисол, чет мамлакатларида шундай ҳолатни кўриш мумкин, агар компания кредит олмоқчи бўлса ўша давр мобайнида амортизация ҳисоблаш усуллари

оқилона фойдаланиб ўзининг соф фойдасини юқори даражада кўринишга олиб келади, бунинг натижасида компаниянинг тўлов қобилияти ҳам сунний оширилади.

Жаҳон молиявий иқтисодий инқирозни мамлакатимизда уни олдини олиш ва унга қарши чора –тадбирлар кўрилмоқда.Шулардан бири корхоналар асосий воситалари учун эскириш ҳисоблашни маълум муддатгача тўхтатиб туришдир.Албатта бу ўз самарасини беради,чунки бу йўл орқали бизнинг маҳсулотлар таннарни чет эл маҳсулотлариникига нисбатан пастроқ бўлади,бунинг натижасида корхона рентабеллиги салбий томонга ўзгармайди.Бу ишни кўпроқ янги ташкил этилаётган корхоналар учун кўллаш мақсадга мувофиқ бўлади

Корхоналарнинг ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятида асосий воситалар муҳим ўрин эгалайди. Ишлаб чиқариш самарадорлиги кўп жиҳатдан асосий воситаларнинг миқдори, қиймати, техник даражасига ва ўсиб боровчи таркибий тузилишига боғлиқ.

Асосий воситалардан фойдаланганда улар эскириш хусусиятига эга. Шунинг учун ҳам ҳар қандай корхонада асосий воситаар объектларини қайта ишлаб чиқариш вазифаси туради. Асосий капитални қайта ишлаб чиқаришга жорий қилинган асосий воситалар барқарор иқтисодий шароитда ўзининг дастлабки қийматини тўлиқ тиклаб, меҳнат курулларининг доимо янгиланишига имконият яратади.

Барча асосий воситаларга амортизация ажратмаси ажратилади ва маҳсулот таннарига олиб борилади. Юқорида келтирилганларга боғлиқ равишда асосий воситалар ҳисоби ва таҳлили микроиқтисодиётда муҳим ўрин эгаллайди.

Ташкилотларнинг асосий воситалари таркиби ва вазифаси бўйича ҳар хил. Шунинг учун ҳам уларни ҳисобга олишда уларни турлари, вазифалари ва маҳсулот ишлаб чиқаришда, ишлар бажаришда ва хизматлар кўрсатишда иштирок этиш хусусиятлари бўйича, фойдаланиш даражаси ва тегишлилиги бўйича туркумлаш мақсадга мувофиқ. Турли

вақтларда фойдаланишга жорий қилинган бир хил асосий воситалар объектларининг баҳоланиши ҳар хил бўлиши мумкин. Бу вақтда, жойга ва қуриш услуби ва асосий воситаларни сотиб олишга боғлиқ.

Шуни қайд қилиш зурурни объектлар қуввати оширилиб қайта жиҳозланганда уларнинг дастлабки қиймати ўзгаради, унга мос равишда ойлик амортизация ажратмаси ҳам ўзгаради. Шунинг учун ҳам қуввати оширилиб қайта жиҳозланган ойдан бошлаб амортизация ажратмаси янги меъёрларда ҳисоблаш керак.

Қуввати оширилгандан сўнг ундан фойдаланиш муддати ҳам ўзгариши мумкин. Корхоналарда амортизация ажратмасининг жамлама ҳисоби “Асосий воситалар амортизациясини ҳисоблаш ведомостида” юритилади. Қайднома асосий воситалар гуруҳлари бўйича ҳар ойда тузилади.

Асосий воситалар объектларидан фойдаланиш даврида жамланган амортизация тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун 0200 “Асосий воситалар эскириши” ҳисобварақаси хизмат қилади. Бу потр-актив счёт, чунки у асосий ҳисобварақаларда (асосий воситалар) қайд қилинган бухгалтерия ҳисоби объектларининг қийматидаги хусусиятини аниқлайди ва мутақил моҳиятга эга бўлмай, фақат уларни тўлдиради.

Асосий воситалар амортизацияси 0200 “Асосий воситалар эскириши” ҳисобварақасида жамлама усулда ҳисобга олинади. Дебет айланмасида чиққан асосий воситалар бўйича амортизация суммаси акс эттирилади. Ҳисобварақанинг кредит айланмасида ҳисобланган амортизация суммаси ойма ой акс эттирилади.

Шундай қилиб асосий воситалар амортизациясини ҳисобга олиш хусусиятларидан келиб чиққан хулоса қилсак, мазкур корхонада мўтадил солиққа тортиш муҳитини яратиш мақсадида, унинг ҳисоб сиёсатида асосий воситалар амортизациясини ҳисоблаш услубини белгилаш керак. Хўжалик юритувчи субъектларларда асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш ва уларни таъмирлаш ҳамда сақлаш бўйича олиб бориладиган

ҳисоб ишлари бухгалтерия ҳисобида асосий воситалар ҳолати ва улардан самарали фойдаланиш ҳисоби сифатида юритилади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисобида асосий воситалар қийматини вақт ўтиши билан маҳсулот таннархша ёки давр харажатлари таркибига ўтказиб борилади. Бу жараён қисқача қилиб айтганда, амортизация деб юритилади.

Амортизация деганда, асосий воситанинг фойдали хизмат муддати давомида амортизацияланадиган қийматини мунтазам равишда харажатларга тақсимлаш ва кўчириш кўринишидага эскиришнинг қиймат ифодаси тушунилади. Умуман олганда, асосий воситаниш амортизация қиймати тахмин қилинаётган тугатилиш қийматини чиқариб ташлаганҳолда активнинг дастлабки қиймати ёки молиявий ҳисоботларда кўрсатилган қиймати ўрнини босадиган бошқа қийматнинг суммасидир. «Асосий воситалар» номли 5-сон БҲМСга мувофиқ, амортизация баҳоланган фойдали хизмат муддати мобайнида активнинг амортизация қилинадиган қийматини мунтазам тақсимлаш ва қайта ўтказиш тарзидага эскиришни қийматли ифодасидир. Ўз ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, асосий воситаюғ эскириши билан амортизация бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, лекин улар бир хил тушунчалар эмас. Эскириш асосий воситалардан фойдаланиш вақтида уларнинг техник ишлаб чиқариш хоссаларини аста-секин йўқотиш жараёнини акс эттирса, амортизация анча мураккаб жараён бўлиб, истеъмол қилишан асосий воситалар қийматини уларнинг эскиришига мувофиқ равишда маҳсулот таннархша, давр харажатларига ўтказиш, истеъмол қилинган асосий воситаларнинг ўрнини қоплаш мақсадида пул фондини жамғариш жараёнини акс эттиради. Демак, эскириш амортизациянинг дастлабки шарт-шароитидир. Аниқроғи, амортизация асосий воситаларнинг ажратма сифатида харажатлар таркибига олиб борилган эскириш қийматидир.

Асосий воситаларга эскириш ҳисоблашда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 9 ноябрдаги 114-сон буйруғига, «Асосий

воситалар» номли 5-сон БХМСга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига амал қилиш лозим. Узоқ муддатли ижара ҳолларида ижарага олинган асосий воситалар бўйича амортизация ажратмаларини ижарага олувчи ўтказди. Қисқа муддатли ижарада эса амортизация ажратмаларини ижарага берувчи ҳисоблайди.¹³ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ асосий воситаларга амортизация меъёрлари белгиланган.

3-жадвал

Асосий восита объектларига амортизация ҳисоблаш меъёрлари

Асосий воситалар гуруҳлари	Аморти-зация меъёри
1. Енгил автомобиллар, такси, йўлларда фойдаланиладиган автотрактор техникаси, махсус асбоб-ускуна, инвентарь ва жиҳозлар, компьютерлар, периферия қурилмалари ва маълумотларни қайта ишлаш ускуналари	20 фоиз
2. Юк автомобиллари, автобуслар, махсус автомобиллар ва автотиркамалар, саноатнинг барча тармоқлари, металл куйиш корхонаси учун машиналар ва ускуналар, темирчилик-пресслаш ускуналари, қурилиш ускуналари, қишлоқ хўжалик машиналари ва ускуналари, офис учун мебель	15 фоиз
3. Темир йўл, денгиз, дарё ва ҳаво транспорти воситалари, куч-қувват берадшан машиналар ва ускуналар: иссиқлик-техника ускуналари, турбина ускуналари, электр двигателлари ва дизель генераторлар, электр узатиш ва алоқа қурилмалари, трубопроводлар	8 фоиз
4. Бинолар, иншоотлар ва иморатлар	5 фоиз
5. Бошқа гуруҳларга киритилмаган, амортизация қилинадшан активлар	10 фоиз

Ушбу асосий воситаларга амортизация ҳисоблашнинг йиллик меъёрлари уларнинг туркумларидан келиб чиққан ҳолда фоизлар асосида

¹³ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Т.: «Ўзбекистон», 2010 й. 23-модда. 4-банди.

ишлаб чиқилган ҳамда мазкур меъёрлар асосида асосий воситаларнинг амортизация ажратмалари ойлик суммаси ҳисобланади.

Амортизацияланувчи қиймат асосий воситаларга ҳисобланадиган йиллик амортизация меъёрлари мажмуаси асосида шаклланади. Асосий воситаларнинг амортизацияланувчи қиймати мунтазам равишда асосий воситани фойдали хизмат муддатининг бутун даврига тақсимланади. Амортизацияланувчи қийматнинг йиллик амортизация меъёрларига тақсимоти асосий воситаларнинг турлари ёки туркумларига кўра амортизация ҳисоблашнинг турли хил усуллари қўллаш йўли билан амалга оширилади, ушбу усуллар қуйидагича тартибда чизма кўринишига эга.



4-чизма. Асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш усуллари.

Тўғри чизиқли усул асосий воситаларнинг эскиршпи уларни фойдали ишлатиш муддати давомида асосий воситалар қийматидан бир хил улушда ҳисоблаб чиқарилади. Демак, бу усулда асосий воситани фойдали ишлатишниш бутун даври мобайнида эскиришнинг доимий суммаларини ҳисоблаб ёзишдан иборат.

Баजारилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда ҳисоблаб ёзиш усули ҳар бир аниқ йил давомида асосий воситани ишлаб чиқаришни

ҳисобга олишга асосланган. Мазкур усулга биноан амортизация миқдори фақат асосий восита қанча марга ишлатилишга ёки қанча маҳсулот бирлиги ишлаб чиқарилиши кутилаётганига боғлиқ бўлади.

Асосий воситалардан изчил фойдаланишда, нгунингдек, илмий техникавий жараённиш катта таъсири остида асосий воситаларнинг эскириши жадаллаштирилган амортизация йўли билан ифодаланади ва бу камайиб боровчи қолдиқ усули ҳамда йиллар суммаси услублари ёрдамида ҳисобланади.

Камайиб боровчи қолдиқ усулида тўғридан-тўғри эскириш ҳисоблаш усулидаги эскириш меъёри асосий воситанинг қолдиқ қийматига қўлланилади. Демак, ушбу усул бўйича мунтазам ҳисоблаб ёзилаётган суммалар фойдали ишлатиш муддати давомида камаяди.

Кумулятив усул ҳар бир йилда амортизация меъёри амортизация муддатининг охиригача келган амортизация қилинадиган қийматдаги улуш сифатида аниқланади. Бу усул қўлланилганда амортизация суммаси ҳисоблаш коэффициентининг махражи бўлган объектнинг хизмат муддати йиғиндиси билан аниқланади. Бу коэффициентнинг суратида объектнинг хизмат муддати охиригача қоладиган йиллар сони тескари тартибда кўрсатилади.

Амортизацияни ҳисоблашда униш тугатилиш қийматша эътибор бериш лозим. Агар бошқа суммани ишончли тарзда ҳисоб-китоб қилиш мумкин бўлмаса, асосий воситаниш қолдиқ қиймати нолга тенг бўлади. Уз ўрнида таъкидлаш жоизки, амалиётда асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш нуқтаи назаридан тугатилиш қийматига эътибор қаратилмайди. Тўғри чизиқли усулда амортизация ҳисоблашда амортизация суммаси амортизацияланаётган қиймат(А.Қ.)ни (тугатиш қиймати айрилган объектнинг дастлабки қийматини) кўзда тутилган фойдаланиш давлари сонга бўлиш йўли билан топилади:

Йиллик амортизация суммаси (дастлабки қиймати - тугатиш қиймати) хизмат қилиш муддати.

Асосий воситага эскириш ҳисоблаш бўйича корхонада: асосий воситаниш баланс қиймати - 100000 минг сўм; тугатилиш қиймати - 4000 минг сўм; Хизмат муддати - 5 йил каби маълумотлар мавжуд.

Бунда йиллик амортизация суммаси қуйидаги тартибда аниқланади:
 Йиллик амортизация суммаси = $(100000 - 4000) / 5 = 19200$ минг сўм.
 Асосий воситаларга ҳар ойда амортизация ҳисобланиб борилади, бу мисолда йиллик амортизация суммаси 19200 миш сўм бўлса, ойлик амортизация суммаси эса 1600 ($19200/12$) миш сўмни ташкил этади. Тўғри чизиқли усулда эскириш суммасини жамланиб боришини мисол асосида жадвал кўринишида кўриб чиқамиз:

4-жадвал

“Tehnolog-Stan” ДП да асосий воситага амортизацияни тўғри чизиқли усулда ҳисоблаш жадвали, сўмда

Йиллар	Баланс қиймати	Йиллик амортизация суммаси	Жамғарилган амортизация	Қолдиқ қиймати
1-йил	100000	19200	19200	80800
2-йил	100000	19200	38400	61600
3-йил	100000	19200	57600	42400
4-йил	100000	19200	76800	23200
5-йил	100000	19200	96000	4000

Ушбу тўғри чизиқли усулнинг ўзига хос томони шундаки, амортизация ҳисоблашда унинг суммаси фойдаланиш муддати давомида бир хил бўлади, жамғарилган эскириш бир хил даражада ошиб боради, қолдиқ қиймати эса, баҳолашан тугатиш қийматига етгунча бир текисда камайиб боради.

Амортизацияни ҳисоблашнинг бажарилган шп ҳажмша кўра усули асосий воситаларнинг ҳар ҳисобот йилида бажарган ишининг ҳисобига асослашан. Мазкур усул билан эскиришниш ҳар йилги қийматини ҳисоблаш учун жами фойдаланиш муддати давомида умумий баҳоланган

ишлаб чиқаришни ҳамда ҳар бир аниқ йилдаги йшлаб чиқаришни олдиндан аниқлаш лозим. Ишлаб чиқариш сифатида ишлаб чиқарилган маҳсулот, ишланган соатлар миқдори ва ҳоказолар олиниши мумкин.

“Tehnolog-Stan” ДП да шу давр мобайнида 600000 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. 1-йилда - 100000, 2-йилда - 150000, 3-йилда - 125000, 4-йилда - 100000, 5-йилда - 125000 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Маҳсулот бирлигига кетган амортизация харажатлари қуйидагига тенг:

$$(100000 - 4000) / 600000 = 0,16$$
сўм ҳар бир сўмлик маҳсулот учун кетган амортизация харажатлари бўлиб ҳисобланади

5-жадвал

“Tehnolog-Stan” ДП да бажарилган иш ҳажмига кўра амортизация ҳисоблаш жадвали (сўмда)

Йиллар	дастлабки қиймати	Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми	Йиллик амортизация суммаси	Жамғарилган амортизация	Қолдиқ қиймати
1-йил	100000	100000	16000	16000	84000
2-йил	100000	150000	24000	40000	60000
3-йил	100000	125000	20000	60000	40000
4-йил	100000	100000	16000	76000	24000
5-йил	100000	125000	20000	96000	4000

Бажарилган иш ҳажмига кўра амортизация ҳисоблаш усули объектлардан фойдаланиш муддати, уларнинг тузилиш хусусиятлари билан чекланган ҳамда мазкур активларнинг хўжалик фаолияти ҳажми йилма-йил ўзгарган ҳолларда қўлланилади.

Асосий воситалар эскиришининг икки тури мавжуд бўлиб, улар жисмоний ва маънавий эскиришлардир. Жисмоний эскириш асосий воситаларнинг жисмоний ҳолатини эскириб бориши, жисмоний яроқдигини йўқолиб боришини ифодаласа, маънавий эскириш асосий воситаларнинг техник-технологик жиҳатдан, русум жиҳатдан, иш бажариш доираси жиҳатдан эскириб боришини ифодалайди. Шундан келиб чиққан

ҳолда асосий воситаларнинг маънавий жиҳатдан эскирадиган турларига жадаллаштирилган усулларда амортизация ҳисобланади.

Қолдиқли камайиш ҳамда кумулятив усуллар тезкор усуллар бўлиб ҳисобланади. Тезкор усуллар моҳияти шундаки, асосий воситалардан фойдалана бошлаганда ҳисобланган амортизация суммаси, объект хизмат муддатининг якунида ҳисобланган амортизация суммасидан анча юқори бўлади. Ишлаб чиқаришга мўлжалланган асосий воситаларнинг кўпгина турлари фойдаланишнинг дастлабки йилларида анча самарали хизмат қилиши ҳамда юқори ишлаб чиқариш хусусиятига эгалигидан келиб чиқиб, бу усулдан фойдаланилади. Бу эса, агар уларнинг фойдалилиги ва ишлаб чиқариш хусусияти дастлабки йилларда анча юқори бўлса, у ҳолда асосий воситалардан фойдалана бошлаганда эскиришнинг катта қисмини ҳисобдан чиқариш амалга ошириладиган мувофиқлик қондасига жавоб беради.

Тезкор усуллар, хусусан, технологиялар такомиллаштирилиши туфайли кўп турдаги ускуналар ўз қийматини йўқотиши (маънавий эскириши) билан ҳам тушунтирилади. Шундай қилиб, эскиришнинг катта суммасини келгусида эмас, балки жорий ҳисобот даврида ҳисобдан чиқариш тўғрироқ бўлади.

Янги кашфиётлар ва материаллар илгари харид килинган ускунанинг маънавий эскиришига олиб келади ва уни жисмоний эскиришдан анча олдинроқ алмаштириш заруратини юзага келтиради. Ҳезкор усулларнинг яна бир афзаллиги шундаки, таъмирлаш бўйича харажатлар, одатда, объектдан фойдаланиш муддатининг бошидагига нисбатан охирида кўпроқ бўлиши ҳисобланади. Бу эса таъмирлаш харажаглариининг умумий суммаси ва амортизация ажратмалари бир неча йиллар давомида амалда доимий бўлиб қолишга олиб келади. Натижада асосий воситалар объектларининг фойдалилиги кўп йиллар давомида бир хиллигича қолади. йккала тозкорг"" усулда ҳам дастлабки йилларда ҳисоблашан амортизация суммалари анча юқори бўлади, бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда эскириш

суммасини ҳисоблаш усули эса амортизация ҳажмининг йилдан-йилга кескин ўзгариб туриши туфайли амортизация ўзгаришиниш аниқ тамойили ҳақида тасаввур бера олмайди. Ҳар йили амортизациянинг кескин ўзгариши асосий воситаларнинг қолдиқ қийматида ҳам ўз аксини топади. Тўғри чизиқли усулда эса қолдиқ қиймат миқдори тезкор усуллардага қолдиқ қийматга нисбатан ҳар доим анча юқори бўлади.

Асосий воситаларнинг ҳар хил турларига амортизацияниш турли усуллари қўлланилишга рухсат этилганлигини, бироқ бунда бир турдага асосий восита учун фақатгина битта усул қўлланилиши мумкинлигини назарда тутиш лозим.

Солиққа тортиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексга биноан амортизация меъёрлари қўлланилиши лозим. Корхонанинг ҳисоб сиёсатига кўра ҳисобланган амортизация билан Солиқ кодексига мувофиқ ҳисобланадиган амортизация ўртасидаги фарқ вақтинчалик фарқ дейилади, у вақтинчалик фарқлар ҳисобининг солиқ самараси ёрдамида ҳисобда акс эпирилади.

Мисол: “Technolog-Stan” ДП да фаолиятнинг дастлабки йилида солиқ тўлангунга қадар бўлган фойда 1200000 миш сўмни ташкил этган. Бунда ҳисоб фойдаси ва солиққа тортиладиган фойда ўртасида фарқ мавжуд, ҳисоб сиёсатига мувофиқ ишлаб чиқариш усулида ҳисобланган амортизация 600500 минг сўмни, солиққа тортиш мақсадлари учун амортизация эса (тўғри чизиқли усулда) 500500 миш сўмни ташкил қилганлигидан юзага келади. Бу айнан вақтинчалик фарқ бўлиб, солиққа тортиладиган фойда уни ҳисобга олганда $1200000000 + (600500000 - 500500000) = 1300000000$ сўмга тенг. Фойда солиғининг 15%лик ставкаси бўйича ҳисобланган фойда солиғи $(1200000000 * 15\%) = 180000000$ сўмни ташкил этади, лекин бюджетга $(1300000000 * 15\%) = 195000000$ сўм тўлаш керак бўлади, бу икки миқдор ўртасидаги фарқ вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган фойда солиғи ҳисобланади ва у қайси

ҳисобот даврида сўндирилишига қараб боғлиқ равишда 0930 ёки 3210-ҳисобварақларида акс эттирилади-

Ушбу муомалалар бўйича қуйидагича проводкалар берилади: Дебет 9810-«Фойда солиғи бўйича харажатлар» 1800000000 сўм;

Дебет 0930, 3210-«Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад солиғи» 150000000 сўм;

Кредит 6410-«Фойда солиғи бўйича бюджетга қарзлар» 1950000000 сўм.

Корхонанинг ҳисоб сиёсатиға мувофиқ ҳисобланган амортизация Солиқ Кодекси бўйича амортизациядан юқори бўлган ҳолатда мазкур фарқ суммасига солиқ бўйича муддати узайтирилган қарз юзага келади. Юқорида келтирилган мисолнинг аксини кўриб чиқамиз, бунда ҳисоб фойдаси 1950000000 сўмни, солиққа тортиладиган фойда эса - 1800000000 сўмни ташкил қилган.

Бухгалтерия ёзуви қуйидагича бўлади: Дебет 9810-«Фойда солиғи бўйича харажатлар» 1950000000 сўм; Кредит 6410-«Фойда солиғи бўйича бюджетга қарзлар» - 1800000000 сўм; Кредит 6250, 7250-«Солиқларга оид вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган мажбуриятлар» 150000000 сўм.

6-жадвал

“Tehnolog-Stan” ДП да қолдиқли камайиш усулида амортизация ҳисоблаш жадвали, сўмда

Йиллар	Баланс қиймати	Йиллик амортизация суммаси	Жамғарилган амортизация	Қолдиқ қиймати
1-йил	100000	$(40\% \cdot 100000) = 40000$	40000	60000
2-йил	100000	$(40\% \cdot 60000) = 24000$	64000	36000
3-йил	100000	$(40\% \cdot 36000) = 14400$	78400	21600
4-йил	100000	$(40\% \cdot 21600) = 8640$	87040	12960
5-йил	100000	8960	96000	4000

Камайиб борувчи қолдиқ усули активдан фойдаланиш муддатида амортизация суммасининг доимо камайиб боришини ифодалайди. Ушбу

усулда эскириш меъёри асосий воситаларнинг қоддиқ қийматиға кўпайтирилади.

Кумулятив усулда амортизация ҳисоблаш. Кумулятив усул (йиллар йиғиндиси усули)да ҳар йилги амортизация меъёри амортизация муддати якуниға қадар қолган амортизацияланаётган қийматнинг бўлаги сифатида белгиланади. Бўлак амортизация ҳисобининг тугагунича қолган тўлиқ йиллар йиғиндисини амортизация муддатини белгилайдиган йилларнинг тартиб сонига бўлиб аниқланади. 5 йил фойдаланиш муддатиға мўлжалланган асосий воситалар учун йиллик рақамлар йиғиндиси қуйидагича бўлади: $5+4+3+2+1=15$ йил. Ҳосил қилинган йиллар суммаси аниқлангандан сўнг, энг охирги йил рақамини ушбу йиллар суммасига нисбати олиниб, амортизацияланадиган қийматға кўпайтирилиб биринчи йилға ҳисоблана-диган йиллик амортизация суммаси аниқланади, кейинги йилларға ҳудди шундай тартибдаги ҳисоб-китоб амалға оширилади лекин бу йил рақами бир рақамиға камайиб боради, яъни амортизацияланадиган қиймат $5/15$, $4/15$, $3/15$, $2/15$, $1/15$ кўринишидаги коэффициентларға кўпайтирилиб ҳисоби олиб борилади. Бу мисолимизни жадвал кўринишида қараб чиқамиз:

7-жадвал

“Technolog-Stan” ДП да кумулятив усулда амортизация ҳисоблаш жадвали, сўмда

Йиллар	Баланс қиймати	Йиллик амортизация суммаси	Жамғарилган амортизация	Қолдиқ қиймати
1-йил	100000	$(5/15*96000)=32000$	32000	68000
2-йил	100000	$(4/15*96000)=25600$	57600	42400
3-йил	100000	$(3/15*96000)=19200$	76800	23200
4-йил	100000	$(2/15*96000)=12800$	89600	10400
5-йил	100000	$(1/15*96000)=6400$	96000	4000

Жадваллардан кўриниб турибдики, амортизация ҳисоблашнинг охирға икки усулида асосий воситалардан фойдаланиш муддатининг бошида ҳисобланган амортизация ажратмалари объект хизмат муддатининг охирида ҳисобланган амортизация қийматидан ортиқ бўлади.

Ушбу усуллар ишлаб чиқаришга тааллуқли асосий воситаларни ҳисоблаш учун қўлланилади, чунки мазкур воситалардан фойдаланишнинг биринчи йилларида самаралироқ фойдаланилади ва таъмирлашга харажатлар унчалик кўп бўлмайди. Кейинги йилларда амортизация харажатлари камаёди, таъмирлаш харажатлари эса одатда олиб боради.

Амортизация ҳисоблашнинг 4 усулини қўллаш корхоналар олдида турган энг катта муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Агарда ҳозирга кунда республикамиз корхоналарида амортизация ҳисоблашнинг асосан тўғри чизиқли усули қўлланилаётганлигани инобатга оладиган бўлсак, биз бошқа усулларни ҳам қўллашни йўлга қўйишимиз лозим.

Маълумки, амортизация ҳисоблашда корхоналар учун энг қизиқарли жиҳат, бу шакл-шубҳасиз, амортизация суммаларининг йиғилиб бориш жараёнидир. Қуйидаги чизмаларда юқорида санаб ўтияган 4 усул бўйича амортизация суммаларининг жамғарилиши турли кўринишга эга бўлиб, тўғри чизиқли усулда бир маромда ўсиб боради. Ишлаб чиқариш ҳажмига кўра амортизация суммаси бажарилган иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда турли хил маромда жамғарилиб борилади. Асосий воситаларга амортизация ҳисоблашнинг жадаллаштирилган усулларида амортизация суммаси секинлашган тарзда жамғарилиб боради. Шундан келиб чиққан ҳолда мисол сифатида амортизация суммасининг жамғарилиши тартибини кўриб чиқамиз: ҳар бир усулда амортизация суммаларининг жамғарилиш тартиби ҳар хил ҳолатда бўлган. Қолдиқли камайиш ва кумулятив усулларда амортизация суммаларининг жамланиб бориши корхона учун фойдали ҳисобланади. Чунки, асосий воситадан фойдаланишнинг кейинги даврларида унинг хизмат кўрсатиш даражаси пасайиб боради, шунинг учун тезкор усулларда амортизация ҳисобланаётганда бошланғич йилларда кўпроқ амортизация ҳисобланади ва кўпроқ суммада амортизация йиғилади. Шуни инобатга олган ҳодца, фикримизча, амортизация ҳисоблашда тезкор усуллардан кеш фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шу ўринда келтириб ўтиш керакки, тезлаштирилган ва

секинлаштирилган усулларни қўллаш юридик шахс сифатида даромад (фойда) солиғи базасида киритилади.

Асосий воситалар бўйича амортизация ажратмалари улар ҳисоблаб ўтказилган ҳисобот даврида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс эттирилади. Асосий воситаларнинг эскириши юзасидан рўй бериши мумкин бўлган операцияларни ҳисобга олиш учун счётлар режасида қуйидаги счётлар очилган бўлиб, уни 8-жадвал асосида қўриб чиқишимиз мумкин.

8-жадвал

Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар

ҳ.в.№	счётлар номи	ҳ.в. туркуми
0211	«Ерни ободонлаштиришнинг эскириши»;	КА
	«Молиявий лизинг шартномаси бўйича олиниб ўзлаштирилган асосий воситаларнинг эскириши»;	
0220	«Биолар, иншоотлар ва узатувчи мосламаларнинг эскириши»;	КА
0230	«Машина ва жиҳозларнинг эскириши»;	КА
0240	«Мебель ва офис жиҳозларининг эскириши»;	КА
0250	«Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникасини эскириши»;	КА
0260	«Транспорт воситаларининг эскириши»;	КА
0270	«Иш ҳайвонларишнинг эскириши»;	КА
0280	«Қўп йиллик экинларнинг эскириши»;	КА
0290	«Бошқа асосий воситаларнинг эскириши»;	КА
0299	«Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши».	КА

Ушбу счётларнинг кредитида асосий воситаларга ҳисобланган ва ҳисобланаётган эскириш суммалари кўрсатилади. Счётларнинг дебитида асосий воситани ҳисобдан чиқариш пайтида унга ҳисобланган эскириш суммасининг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади.

Асосий воситаларга амортизация ҳисобланганида, амортизация суммалари харажатларга ўтказилади. Амортизация ажратмаси ишлаб чиқариш харажатларига ўтказилганида қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади:

Дебет 2010, 2310, 2510-счётлар - 1040000 сўм;

Кредит 0210-0299-счётлар - 1040000 сўм.

Агарда амортизация суммаси давр харажатларига олиб борилса, куйидагича бухгалтерия проводкаси берилади: Дебет 9420-«Маъмурий-бошқарув харажатлар» - 300000 сўм; Кредит 0210-0299-счётлар - 300000 сўм.

Хўжалик юритувчи субъектларларда амортизация суммаларини ишлаб чиқариш харажатлари ёки давр харажатларига ўтказиш тартиби «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»га Низомга асосланади.

2.3. Асосий воситалар таъмирланишининг ҳисоби

Асосий воситалар вақти-вақти билан таъмирланиб турилади. Бу эса, ўз навбатида, улардан фойдаланиш муддатини узайтиради.

Асосий воситалар таъмирланиши ҳисобининг вазифалари куйидагилардан иборат:

- 1) бажарилган таъмирлаш ишларининг таннархи ва ҳажмини тўғри ва ўз вақтида аниқлаш;
- 2) таъмирлаш билан боғлиқ харажатларнинг маҳсулот ёки бажарилган иш таннархига тўғри ўтказилишини таъминлаш;
- 3) таъмирлаш ишлари учун ажратилган маблағдан тўғри фойдаланилиши устидан назорат олиб бориш;
- 4) таъмирлаш ишларининг ўз вақтида ва яхши сифатли қилиб олиб борилиши устидан назорат олиб бориш ва бошқалар.

Таъмирлаш харажатлари икки хил усул билан тегишли счётларга ёзилиши мумкин:


- 1) таъмирлаш бўйича ҳамма харажатларни вужудга келиш жараёнида Ишлаб чиқариш харажатлари счётларига ёзиш билан;
- 2) махсус резерв фонди ташкил қилиш йўли билан.

Резерв фондининг ташкил қилиниши асосий воситалар таъмирлаш харажатларини йил давомида маҳсулот ва бажарилган иш, хизмат таннархига бир текис ўтказилишини таъминлайди.

Таъмирлаш ишларини олиб бориш учун резерв хўжалик юритувчи субъектда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги рухсати бўйича ташкил бўлади. Резерв суммаси ҳар ойда, корхона томонидан мустақил белгиланадиган норматив миқдорда маҳсулот таннархига қўшилади. Норматив беш йил муддатга қатъий белгиланган суммада ишлаб чиқилиши лозим ёки асосий воситалар дастлабки қийматига нисбатан фоиз кўринишида бўлади. Резерв суммасининг тўғри ташкил қилинганлигини ва ундан тўғри фойдаланиш вақти-вақти билан текшириб турилади.

Текшириш смета, ҳисоб-китоб маълумотлари асосида амалга оширилади. Резерв суммаси 8910-“Келгусида қилинадиган харажат ва тўловлар резерви” счётида ҳисоб қилинади.

Асосий восита объекти фойдаланишда бўлган цех кучи билан бажарилган, таъмирлаш ишлари қийматига қуйидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:



Хўжалик юритувчи субъектнинг ўзининг ёрдамчи ишлаб чиқариш цехлари томонидан бажариладиган таъмирлаш ишлари қийматига қуйидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:



Таъмирлаш ишлари тугаганидан сўнг, харажатларни тегишли

счётларга ёзилиши (каерда фойдаланишда бўлган объект таъмирланганига караб) куйидагича проводка акс эттирилади:




Таъмирлаш ишлари хўжалик ёки пудрат усулида олиб борилади. Хўжалик юритувчи субъектнинг ремонт-механика цехи ёки асосий ишлаб чиқариш цехлари ишчилари томонидан бажарилади. Пудрат усулида эса таъмирлаш ишлари махсус ремонт-қурилиш ташкилоти томонидан шартнома асосида бажарилади.

Таъмирлаш ишлари пудрат усулида бажарилса, тугалланган таъмирлаш ишлари “қабул қилиш-топшириш акти” хужжати билан расмийлаштирилади. Актда таъмирлаш ишларининг смета қиймати, ҳақиқий қиймати, объектнинг номи ва бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Акт икки нусхада ёзилиб, бир нусхаси бухгалтерияга топширилади.

Пудрат усулида бажарилган таъмирлаш ишлари қиймати, пудратчи счётига асосланиб куйидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:




Пудратчи счёти тўланганда:




Асосий воситалар таъмирлаш харажатларини счётларга ёзиш, 8910-“Келгусида харажатлар резерви ва тўловлари” счётидан фойдаланилган

ҳолда акс эттирилиши бухгалтерия проводкалари қуйидагича:


Резерв фондини ташкил қилиш суммасига:




Хўжалик усулида бажарилган таъмирлаш харажатларини счётларга ёзилиши қуйидагича акс эттирилади:




Хўжалик усулида бадарилган тугалланган таъмирлаш харажатларини счётларда акс эттирилиши қуйидагича:



Пудрат усулида бажарилган, асосий воситаларни таъмирлаш бўйича ҳақиқий харажатларни счётларда акс эттирилиши қуйидагича:



Ҳисобот даври охириги қолдиқ ёпилади, бунда қуйидагича бухгалтерия ёзуви тузилади:



Асосий воситаларни таъмирлаш жараёнида олинган, қайтариладиган чиқиндилар, улардан фойдаланиш баҳоси бўйича қабул қилинади ва асосий воситаларнинг таъмирлаш бўйича ҳақиқий харажатларнинг камайишига қуйидагича бухгалтерия ёзуви билан ёзилади:



Чиқинди қиймати таъмирлаш харажатлари камайишига ёзилади

Маълумки, “Technolog-Stan” ДП самарали фаолият юритиши, энг аввало, уларнинг ишлаб чиқариш қувватларидан унумли фойдаланишга боғлиқ. Бунинг учун эса ишлаб чиқариш қувваларининг асосини ташкил қилувчи ишлаб чиқариш воситаларининг техник ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор бериш зарур. Ишлаб чиқариш воситаларини эксплуатация қилиш ва уларнинг муддатидан илгари ишдан чиқишини ёки эксплуатация сифатлари пасайишининг олдини олиш мақсадида, бино, иншоот, машина, асбоб-ускуна ва шунга ўхшашлар доимий техник қаров ва таъмирни талаб этади. Техник қаров одатда эксплуатация жараёнида бевосита машина ва дастгоҳни бошқарувчи ишчи-машинистлар томонидан бажарилади. Техник қаров жараёнида ишлаб чиқариш воситаларини мойлаш, тозалаш, бўшаган занжирларни тортиш ва шунга ўхшаш ишлар амалга оширилади. Техник қаровни амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад, унинг техник ҳолати бир меъёрда сақлаб турилиши ва бузилиши каби нохуш ҳолатларнинг олдини олиш ҳисобланади.

“Technolog-Stan” ДП фойдаланиладиган ҳар қандай техникани ўз вақтида техник қаровдан ўтказиш учун уни эксплуатация қилиш бўйича белгиланган кўрсатмаларга амал қилинади. Таъмирлаш жараёнининг

мураккаблиги, ҳажми, қийматидан келиб чиққан ҳолда, улар икки турга: капитал капитал ва жорий таъмирлашларга бўлинади.

Капитал таъмирлашда ишлаб чиқариш воситаларининг айрим қисмлари ёки асосий узеллари алмаштирилади. Масалан, капитал таъмирлашдан ўтказиш жараёнида қуйидаги ишлар бажарилиши зарур:

- ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини таъмирлашга тайёрлаш;
- алоҳида узелларни бўлиш;
- узелларни алоҳида деталларга ажратиш;
- деталларни тозалаш ва ювиш;
- деталларнинг нуқсонларини аниқлаш;
- деталларни ясаш, реставрация қилиш ва таъмирлаш бўйича бошқа ишларни бажариш
- деталларни йиғиб узелларни комплектлаш;
- асбоб-ускунани бўйлаш;
- мойлаш, регулировка ва обкатка қилиш;

Жорий таъмирлаш капитал таъмирлашга нисбатан унча мураккаб эмас. Машиналарнинг жорий таъмирларида айрим деталар, мураккаб бўлмаган узеллар, поршен ва ҳ.к. алмаштирилади.

Умуман олганда, ишлаб чиқариш воситаларини капитал таъмирлашда машина ва агрегатларнинг конструктив қисмалари, шу жумладан, иккинчи даражали қисм ва деталлари алмаштирилади. Жорий таъмирлашда уларнинг асосий бўлмаган қисмларини алмаштириш, тўғирлаш ва таъмирлаш амалга оширилади.

Техник қаров, жорий ва капитал таъмирлаш корхоналарида уларни амалга ошириш учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар, материаллар, моёлаш материалларни сотиб олишни, таъмирлашда қатнашаётган ишчиларга иш ҳақи ҳисоблаш ва бошқа харажатлар учун пул маблағларини сарфлашни тақозо қилади. Бир сўз билан айтганда, ишлаб чиқариш воситаларини таъмирлаш учун сарфланаётган моддий қийматликлар (эҳтиёт қисмлар, материаллар ва ҳ.к.) ишчи кучи ва меҳнат воситаларининг амортизацияси

охир-оқибатда корхона молиявий ресурсларининг сарфланишига олиб келади. Табиийки, ҳар бир корхона раҳбари ва мутахассис сарфланган молиявий ресурсларни иқтисодий жиҳатдан самарали бўлишини хоҳлайди ва шунга ҳаракат қилади.

Бунинг учун эса раҳбар ва мутахассислар таъмирлаш жараёнлари тўғрисида маълумотларга эга бўлиши зарур.

Ҳозирги вақтда таъмирлаш харажатлари тўғрисидаги маълумотлар бухгалтерия ҳисобининг турли счётлари ва регистрларида ҳисобга олинади. Баъзан улар алоҳида модда ҳолида акс эттирилади. Бошқа ҳолларда эса турли харажат моддаларида ўз аксини топади. Бунинг асосий сабаби, 1991 йилдан бошлаб мамлакатимизда бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги ўзгаришлар ва ислоҳотлар асосан бухгалтерия ҳисобининг таркибий қисми ҳисобланган молиявий ҳисоб ва ҳисоботларни жаҳон андозалари талаблари асосида ташкил қилишга қаратилганлигидадир. Чунки молиявий ҳисобда корхоналарнинг асосий воситаларини таъмирлаш харажатларини алоҳида ҳисобга олиш учун зарурият йўқ. Шунингдек, молиявий ҳисобот шаклларида ҳам бундай кўрсаткич мавжуд эмас. Сабаби, бу кўрсаткич корхоналарнинг тижорат сирини фош қиладиган кўрсаткичлар сирасига киради.

Бухгалтерия ҳисобининг бир ёклама ривожланиши, корхона раҳбари ва мутахассисларининг бошқарув ҳисобини юритиш соҳасида етарли билим ва тажрибага эга эмаслиги уларга бошқарув учун зарур маълумотларни бевосита бухгалтерия ҳисобидан олиш имкониятини бермаётир.

Фикримизча, ушбу камчиликларни бартараф қилиш учун бухгалтерия ҳисобининг амалдаги тизимини “Technolog-Stan” ДП таъмирлаш харажатлари тўғрисидаги умумий ва кенг қамровли маълумотлар нуқтаи назаридан ривожлантириш лозим. Бунинг учун эса, ишлаб чиқариш воситаларининг таъмирлаш харажатлари ҳисобини шундай ташкил қилиш зарурки, унда қуйидаги кўрсаткичларни олиш

имкониятлари вужудга келсин:

1. Корхона бўйича ишлаб чиқариш воситаларини таъмирлаш харажатлари тўғрисида, шу жумладан, жорий ва капитал таъмир бўйича алоҳида маълумотларнинг шакллантирилиши.

2. Ишлаб чиқариш воситаларини гуруҳлар бўйича таъмирлаш харажатлари ва уларнинг таркиби тўғрисидаги маълумотларни бериши.

3. Ишлаб чиқариш воситаларининг ҳар бир тури бўйича таъмирлаш харажатлари тўғрисидаги маълумотларни вужудга келтириши лозим.

Фикримизча, юқорида олинishi белгиланган кўрсаткичлар шубҳасиз, корхонанинг ишлаб чиқариш воситаларига сарфланаётган таъмирлаш харажатлари учун зарур маълумотларни бериш билан биргаликда, “Technolog-Stan” ДПда ҳар бир ишлаб чиқариш воситаларининг қай даражада ишлаётганига баҳо бериш имкониятини яратади. Аммо юқоридаги кўрсаткичларни олиш учун бухгалтерия ҳисобида энг аввало, унинг асосий ишлаш механизми ҳисобланган счётлар режасига биринчи, иккинчи ва учинчи тартибли счётларни очиш ҳамда уларнинг боғланиш тартибини ишлаб чиқиш талаб қилинади. Шу билан биргаликда, ҳисоб регистрлари таркибига ҳам айрим ўзгартиришлар киритиш жоиз бўлади. Юқорида белгиланган вазифаларни бажариш учун бухгалтерия ҳисобининг ишчи счётлари режасига 2400 – “Асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари” счётини киритиш ва ушбу счётга корхона бўйича сарфланган таъмирлаш харажатлари тўғрисида маълумотларни шакллантириш вазифасини белгилаш лозим. Ушбу счётнинг дебет томонида жами ҳақиқий таъмирлаш харажатлари ва кредит томонида ушбу харажатларни калькуляция объектларига ҳисобот оyi охирида тақсимланганда ёзилади.

Корхона бўйича ишлаб чиқариш воситаларининг жорий ва капитал таъмирлаш харажатлари тўғрисида алоҳида маълумотларни вужудга келтириш учун 2400 – “Ишлаб чиқариш воситаларини таъмирлаш харажатлари” счётига иккита иккинчи тартибли счёт очиш мақсадга

мувофикдир:

2410 – “Ишлаб чиқариш воситаларининг жорий таъмирлаш харажатлари”.

2420 – “Ишлаб чиқариш воситаларининг капитал таъмирлаш харажатлари”.

Албатта, юқоридаги маълумотлар, уларнинг шаклланиши мураккаб бўлишига қарамасдан бевосита бухгалтерия ҳисоби счётларидан олинади. Ушбу маълумотларни шакллантириш белгиланган тартибда амалга оширилади. Аммо, энг асосийси таъмирлаш харажатларини ҳисобга олиш ва назорат қилишда ишлаб чиқариш воситаларининг ҳар бир турига сарфланаётган харажатлар ҳисобини ташкил қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Бунинг учун эса, ҳар бир ишлаб чиқариг воситасига алоҳида шахсий варақа очиш мақсадга мувофикдир. Ушбу варақа икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимда унга сарфланган барча таъмирлаш харажатлари учга бўлиб ҳисобга олинади, яъни:

- 1) техник қаров харажатлари;
- 2) жорий таъмирлаш харажатлари;
- 3) капитал таъмирлаш харажатлари.

Барча харажатлар уларнинг турлари бўйича юритилиши лозим. Ушбу варақанинг харажатлар бўлимида ушбу ишлаб чиқариш воситаларини эксплуатация қилиш харажатлари ҳам кўрсатилиши лозим. Варақанинг иккинчи бўлими “Бажарилган ишлар ва харажатларнинг тақсимланиши” деб номланади ва унда асбоб-ускуналарнинг ишлаган соатлари ва бажарилган иш ҳажми кўрсатилади. Таклиф қилинаётган шахсий варақа ўз навбатида бажарилган ишнинг таннархи тўғрисида ҳам кенг қамровли маълумотлар беради.

Шундай қилиб, ишлаб чиқариш воситаларини таъмирлаш харажатларининг битта алоҳида счётда ҳисобга олиниши, таъмирлаш харажатларини тезкор назорат қилиш ва амалга оширилган ҳар бар таъмирнинг таннаrxини аниқлаш ва корхонадаги ҳар бир ишлаб чиқариш

воситасига сарфланаётган капитал ва жорий таъмир харажатлари, шунингдек, корхона бўйича ушбу мақсадлар учун сарфланган харажатлар тўғрисидаги маълуматларни умумлаштириш имкониятини беради.

3. БОБ. Хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситалар ҳисобини бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари бўйича такомиллаштириш масалалари

3.1. Асосий воситаларни бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти бўйича ҳисобга олиш такомиллаштириш йўллари

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида асосий воситалар ҳисобини юритишда ҳам ўзгартиришлар киритишга эътибор берилмоқда. Бу албатта хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини яхшилашга олиб келади.

Асосий воситалар ҳисобини юритишда фойдаланадиган ҳужжатлардан бири бухгалтерия ҳисобининг стандартларидир. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартимиз ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидан келиб чиқиб, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартимиз ишлаб чиқилган ҳамда республикаimizдаги мавжуд ҳисоб тизмига мослаштириб қабул қилинган. Ҳар бир стандарт бўйича халқаро ва миллий стандартлар ўртасида тофовутлар мавжуд, жумладан асосий воситалар бўйича;

Асосий воситалар ҳисоби молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти №16 “Асосий воситалар” номли стандартида юритилади, миллий стандартимизда эса 5-стандарт сифатида қабул қилинган.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларида асосий воситаларга қуйидагича таъриф берилган: “Асосий воситалар-бир йилдан кўпроқ фойдали хизмат қилиш муддатига эга бўлган ва ишлаб чиқариш ёки товарларни етказиб бериш, маъмурий мақсадлар учун фойдаланадиган ёки ижарага бериладиган активлардир”. Миллий стандартда эса қуйидагича: “Асосий воситалар - корхона томонидан узоқ муддат давомида хўжалик фаолиятини юритишда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш мақсадида фойдаланиш учун тутиб туриладиган моддий активлар”.¹¹

Халқаро стандартларда кўрсатилишича активлар асосий восита сифатида қабул қилиниши учун қуйидаги мезонга жавоб бериши керак, яъни бир йилдан узоқ муддатга хизмат қилиши шарт. Ушбу мезонга киритилмайдиган активлар эса инвентар тарзида қабул қилинади ва уларга эскириш ҳисобланмайди, асосий воситаларга эса ҳар ойда эскириш ҳисобланиб борилади.

Миллий стандартимизда эса иккита мезонга асосан қабул қилинган бўлиб, яъни:

- а) муддати яъни бир йилдан ортиқ хизмат қилиш муддати;
- б) қиймати яъни бир бирлик (тўплам) учун қиймати Ўзбекистон

Республикаси (харид пайтида) белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг эллик бараваридан ортиқ бўлган буюмлар ва меҳнат воситалари киради.

Бу талабларга киритилмайдиган активлар бизнинг ҳисобчилигимизда ҳам инвентар кўринишида қабул қилинади ва эскириш ҳисобланмайди.

Шунингдек, уларни ҳисобини юритишда ҳам бир қанча фарқлар мавжуд:

-МХХСда бухгалтерия ёзувлари сўзлар орқали амалга оширилади, масалан, асосий воситага эскириш ҳисобланганда:

Дебет Эскириш ҳаражатлари

Кредит Асосий воситани жамғарилган эскириши;

-БХХСда эса бухгалтерия ёзувлари рақамлар орқали амалга оширилади, яъни счётлар режаси бўйича берилади, масалан,

Дебет 2010,9430,2310,2510

Кредит 0200;

-халқарода асосий воситалар қабул қилинганда тўғридан-тўғри асосий воситалар моддасига олиб борилади, масалан, ускуна сотиб олинди:

Дебет Асбоб ва ускуналар

Кредит Пул маблағлари;

-бизда асосий воситалар қабул қилинганда 0820 "Асосий воситаларни харид қилиш"счёти орқали ҳисобга олинади, масалан, ускуна сотиб олинди:

Дебет 0820 "Асосий воситаларни харид қилиш"

Кредит 5110 "Ҳисоб-китоб счёти"

Дебет 0130 "Машина ва асбоб-ускуналар"

Кредит 0820 "Асосий воситаларни харид қилиш"

-МХХСда асосий воситалар бўлими баланснинг бош қисмида турмайди, чунки бу узоқ муддатли активларни ликвидлик даражаси пастлиги учун ва йиллик ҳисоботларда ҳам асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот топширилмайди деб тавсиялар берилган;

-бизнинг мамлакатимиздаги ҳаракатдаги 5-сон БХМС бўйича баланснинг дастлабки қисми узоқ муддатли активларга тегишли бўлганлиги учун асосий воситалар баланснинг биринчи қаторидан жой олган ва асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисоботлар топширилади.

Бу муомалаларга доир қуйидаги мисолни миллий ва халқаро стандартларга мос равишда кўрамиз:

Корхона қандолот маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Бу корхона янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш режасини амалга оширмоқчи эди. Корхона эски турдаги маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ускунани сотди. Ускунанинг дастлабки қиймати 200 000 ш.б да бўлиб, 2007 йил 1-январда балансга қабул қилинган. Ускунага тўғри чизиқли усулда эскириш ҳисобланган, эскириш фақат бир йил учун ҳисобланган ва 2008 йил 31 декабрда 170 000 ш.б га сотилган.

Халқаро стандартда узоқ муддатли активларни ликвидлилик даражаси паст деб ҳисоблайди, бу активлар қайсидир маънода ҳам кам фойда келтирувчи бўлиб ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари албатта умумий тарзда тузилган, уни ҳар бир мамлакат ўзини миллий стандартларига мослаштиради. Бизнинг асосий воситалар моддаси ҳам халқаро стандартлар асосида тузилган, баъзи бир қисмлари миллийлаштирилган.

Халқаро стандартда узоқ муддатли активларни ликвидлилик даражаси паст деб ҳисоблайди, бу активлар қайсидир маънода ҳам кам

фойда келтирувчи бўлиб ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари албатта умумий тарзда тузилган, уни ҳар бир мамлакат ўзини миллий стандартларига мослаштиради. Бизнинг асосий воситалар моддаси ҳам халқаро стандартлар асосида тузилган, баъзи бир қисмлари миллийлаштирилган.

“Tehnolog-Stan” ДП да ишлаб чиқариш корхонасида ишлаб чиқариш дастгоҳини 01.01.2007 йилда эксплуатацияга туширган. Дастгоҳнинг бошланғич қиймати 6 000 000 сўм ҳисоб сиёсатида кўра дастгоҳга амортизация солиқ қонунчилигига мос келадиган, бир текис усули қўлланилган. Амортизация меъёри - 10 % 01.01.2011 йил дастгоҳни маънавий эскирган, деб ҳисобдан чиқаришга қарор қилинди. Ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ операция – жадвалда кўрсатилган.

9-жадвал

“Tehnolog-Stan” ДП да ишлаб чиқариш корхонасида асосий воситани ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ операция акс эттириш тартиби

№	Операция мазмуни	Ҳисоб-китоблар	Счётлар боғланиши		Сумма (сўм)
			Дт	Кт	
1	Дастгоҳни фойдаланишга топшириш		0130	0810	6 000 000
2	Дастгоҳ бўйича 5 йил давомида амортизация ҳисоблаш	6 000 000 *10%*5	2010	0230	3 000 000
3	Дастгоҳни ҳисобдан чиқариш: а) бошланғич қиймати б) йиғилган амортизация				
			9210	0130	6 000 000
			0230	9210	3 000 000
4	Дастгоҳни ҳисобдан чиқариш бўйича зарар		9430	9210	3 000 000

Жадвал маълумотдан кўриниб турибдики, дастгоҳни ҳисобдан чиқаришда 3 000 000 сўм зарар кўрилган.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб қайта баҳоланган дастгоҳни ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ хўжалик операциясини кўриб чиқамиз. Дастгоҳ 2 коэффицент миқдорда қайта баҳоланган ушбу операция келтирилган.

Асосий воситалар ҳисобида тўрт асосий масала мавжуд бўлиши лозимлиги стандартда кўрсатилган, улар қуйидагилар:

- асосий воситаларни дастлабки баҳоси;
- асосий восита қийматини келгуси даврларга тақсимланиш учун аниқланган эскириш ставкаси;
- асосий воситалар олингандан кейин қийматининг ўзгариши, шу жумладан, қийматини кўпайиши, ёки мумкин бўлган камайиши, камайишини оқибатларини ҳисобварақларда қандай қилиб акс эттирилиши;
- активларни кейинчалик ҳисобдан чиқарилишини рўйхатга олиш.

10-жадвал

“Technolog-Stan” ДП да ишлаб чиқариш корхонасида қайта баҳоланган асосий воситани ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ операцияни акс эттириш тартиби

№	Операция мазмуни	Ҳисоб-китоблар	Счётлар боғланиши		Сумма (сўм)
			Дт	Кт	
1	Дастгоҳни фойдаланишга топшириш		0130	0810	6 000 000
2	Дастгоҳ бўйича ҳисобланган амортизация 1- йил учун	(6 000 000 - 10%)/100	2010	0230	600 000
3	Бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолаш	6 000 000*2.0-6 000 000	0130	8530	6 000 000
4	Ҳисобланган амортизацияга нисбатан қайта баҳолаш	6 00000*2.0-5 00000	8530	0230	600 000
5	Дастгоҳ бўйича 4 йил давомида амортизация ҳисоблаш	10 000 000 - 10%+4	2010	0230	4 000 000
6	Дастгоҳни ҳисобдан чиқариш		9210	0130	10 000 00
	а) бошланғич қийматига		0230	9210	0
	б) йиғилган амортизация				4 500 000
7	Дастгоҳни ҳисобдан чиқариш юзасидан молиявий натижа а) фойда б) зарар		9430	9210	6 500 000

Иккинчи жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, қайта баҳоланган дастгоҳни ҳисобдан чиқариш натижасида 6 500 000 сўм зарар кўрилди. Шундай қилиб, қайта баҳоланган дастгоҳни ҳисобдан чиқариш бўйича молиявий натижа 2 500 000 сўмга ортган.

Асосий воситалар актив сифатида тан олинishi учун қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- корхона ўша активдан келажакда юқори фойда олиш имконига ишончли бўлса;
- активни таннархи ишончли ва тўғри баҳолана олинса.

Асосий восита таннархи элементлари қуйидагилардан ташкил топади:

А) сотиб олиш нархи, бу ўз ичига импорт божларини ва сотиб олиш билан боғлиқ қайтарилмайдиган солиқ суммаларини ҳам олади;

Б) активни керакли жойга олиб келиш билан боғлиқ, уни ўрнатиш, монтаж қилиш, яъни ўша асосий восита ўз функцияларини бажариш учун кетадиган барча харажатларни ўз ичига олади.

Амортизация корхонанинг ҳар даврдаги рентабеллик даражасига қараб ҳисобланиши назарда тутилади, чунки бу харажатлар ҳам корхона аҳволини ёмон қилиб кўрсатишига олиб келиши мумкин. Мисол, жаҳон мамлакатларида шундай ҳолатни кўриш мумкин, агар компания кредит олмоқчи бўлса ўша давр мобайнида амортизация ҳисоблаш усулларида оқилона фойдаланиб ўзининг соф фойдасини юқори даражада кўринишга олиб келади, бунинг натижасида компаниянинг тўлов қобилияти ҳам сунъий оширилади.

Жаҳон молиявий иқтисодий шароитида мамлакатимизда уни олдини олиш ва унга қарши чора –тадбирлар кўрилмоқда. Шулардан бири корхоналар асосий воситалари учун эскириш ҳисоблашни 3 йил муддатгача тўхтатиб туришдир. Албатта бу ўз самарасини беради, чунки бу йўл орқали бизнинг маҳсулотлар таннархи чет эл маҳсулотлариникига нисбатан пастроқ бўлади,бунинг натижасида корхона рентабеллиги салбий томонга ўзгармайди. Бу ишни кўпроқ янги ташкил этилаётган корхоналар учун қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади

Республика иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви жараёнида асосий воситалар ҳисоби ва аудитини ислоҳ қилиш республикаимизда мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда,

ҳалқаро стандартлар доирасида ташкил этиш ва юритишни талаб этади. Асосий воситалар ҳисобини юритишда, аввало, ҳисоб юритиш сиёсатиға амал қилиш лозим. Ҳисоб юритиш сиёсати деганда, хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни тамойил ва меъёрий қоидаларига мос равишда юритиш ва тузиш учун қўлланиладиган усуллар мажмуи тушунилади.¹²

3.2. Асосий воситаларни қайта баҳолашни ҳалқаро стандартлар бўйича такомиллаштириш

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий воситалари ҳозирги замон талабига жавоб берадиган, меҳнат самарарадорлигини оширадиган ҳолатда бўлиши керак. Бу мамлакатни модернизация қилишнинг асосий тамойилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Асосий воситаларни ҳозирги ҳолатини жорий баҳода ҳар йили баҳолаб туриш (қайта баҳолаш) корхона асосий фондларини ҳақиқий қийматини аниқлаб, шунга қараб турли қарорларни қабул қилиш имкониятларини беради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрь 490 қарорига биноан¹⁴ 2002 йилнинг 1-январидан бошлаб мулкчилик шаклидан қатъий назар барча хўжалик субъектлари ҳар йили 1-январь ҳолатига асосий воситалар қийматини жорий нархларга мувофиқлаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тасдиқланган тартибда, улар бўйича қайта баҳолаш ўтказишлари керак.

Қуйидаги асосий воситалар объектлари қайта баҳоланади:

- техник ҳолатидан қатъий назар корхонага мулк ҳуқуқида, молиявий ижара шартномаси асосида тегишли бўлган унинг хўжалик юритишда, тезкор бошқарувида бўлган;
- ишлаб турган ва фойдаланилмайдиган, консервацияда бўлган;

¹² «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» номян 1-сон БҲМС. //Солиқ тўловчинингжурнали, №11, 1998. 3-банд.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрь 490-сонли қарори.

- ҳисобдан чиқаришга тайёрланган, лекин белгаланган тартибда тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилмаган;
- тугалланмаган қурилиш объектлари ва ўрнатиш учун мўлжалланган ускуналар.

Ушбу асосий воситалар объектлари қайта баҳоланмайди:

- ер майдонлари, хусусийлаштирилганларидан ташқари;
- табиатдан фойдаланиш объектлари қайта баҳоланмайди.

Асосий воситаларни қайта баҳолашнинг ҳуқуқий асосини 5-БҲМС¹⁵ ташкил этади. Асосий воситаларни қайта баҳолаш тартиби эса Ўзбекистон Республикаси макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги томонидан тасдиқланган йўриқномага¹⁶ асосан амалга оширилади.

5-БҲМСда ёзилишича асосий воситаларни қайта баҳолаш бу ҳозирги замон бозор баҳосига мос келтириш мақсадида асосий восита объектларининг тиклаш қийматини вақти-вақти билан аниқлашдир.

Умуман олганда қайта баҳолаш икки усулда амалга оширилади:

- бевосита қайта баҳолаш усули;
- индекслаш усули.

Қайта баҳолаш натижасида асосий воситалар бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида жорий қийматида акс эттирилади. Асосий воситаларни дастлабки қиймати фақат Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарори билан қайта баҳоланиши мумкин. Агар асосий воситаларнинг дастлабки (тиклаш) қиймати қайтадан баҳоланса, уларнинг жамғарилган амортизация (эскириш) суммаси ҳам шу миқдорда қайтадан баҳоланади ва кейинги амортизация қайтадан баҳоланган суммадан ҳисобланади.

1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йиллик қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг (рўйхат рақами 1192, 2002 йил 4 декабрь) 12-бандига мувофиқ, индекслаш йўли билан асосий

¹⁵ БҲМС Н5 асосий воситалар 55 бет.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси макроиктисодиёт статистик вазирлиги тошкентдан 2001 6 январда Ўзбекистон Республикаси вазирлиги томонидан 6 январ 2001 йилда тасдиқланган.

воситаларни қайта баҳолашда бухгалтерия ҳисобида қайта баҳолашни ўтказиш санасидаги ҳолат бўйича қайд этилган асосий фондлар (шу жумладан, уларга доир эскириш тўла ҳисоблаб ёзилган объектлар)нинг эскириш суммаси уларни тикланиш қийматига қайта ҳисоблашда асосий фондлар қийматини ўзгартиришнинг тегишли индексларига кўпайтирилиши керак. Асосий воситаларни бевосита қайта ҳисоблаш усули билан қайта баҳолашда бухгалтерия ҳисобида қайд этилган эскириш суммаси қайта баҳолашдан кейинги тикланиш қийматининг қайта баҳолашгача бўлган қийматга нисбати билан ҳисоблаб чиқариладиган қайта ҳисоблаш коэффиценти бўйича индексланиши керак.

Шунингдек эслатиб ўтамиз, ишлатиб келинаётган тўлиқ эскирган асбоб-ускуналар учун тўловни ундириш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2199, 2011 йил 21 февраль, кейинги ўринларда – 2199--Низом) мувофиқ:

Ўзининг ишлаб чиқариш фаолиятида тўлиқ эскирган асбоб--ускуналардан фойдаланаётган хўжалик юритувчи субъектлар (бундан микрофирма ва кичик корхоналар мустасно) Тўлов ундириладиган асбоб-ускуналар рўйхати ва уларнинг унумли фойдаланиш муддатлари (2199--Низомнинг 1-илоvasи)га мувофиқ тўлиқ эскирган асбоб-ускуналар учун тўлов тўловчилари (2012 йил учун тўлов миқдори 0,25 фоиз миқдорида белгиланган) ҳисобланади.

Ушбу субъектлар солиқ ҳисобида турган жойи бўйича давлат солиқ хизмати органларига жорий йилнинг 15 февралидан кечиктирмасдан (2199-Низомнинг 10 ва 11-бандларига мувофиқ) Ҳисоб-китоб маълумотнома (2199-Низомнинг 2-илоvasи)ни тақдим қилиши керак.

Бундан ташқари, тўлиқ эскирган асбоб-ускуна учун тўлов солиқ солинадиган фойдани аниқлашда чегирилмайдиган харажатларга (Солиқ кодексининг 147-моддаси 261-банди) киради.

Тўлиқ эскирган асбоб-ускунани қайта баҳолаш бўйича ҳисоб-китоб ва бухгалтерия ёзувларини шартли мисолда (11-жадвалларга қаранг) кўриб

чиқамиз.

11-жадвал.

Асосий воситаларни 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра қайта баҳолаш

Хўжалик операциясининг мазмун	Асос- хужжат	Счётлар корреспонденцияси		Сумма
		дебет	кредит	
2012 йил 31 декабрь ҳолатига кўра тўпланган қайта баҳолаш сальдоси			8510	4 126 500
Эскириш суммасига асбоб- ускунани қайта баҳоланиши акс этирилди [(11 750 000 х 1,074) – 11 750 000]	Қайта баҳолаш ведомости	0130	0230	869500
Қайта баҳолаш сальдоси (869 500 – 869 500)		0130	8510	0

12-жадвал.

Т/р	Номи	Қабул қилиш санаси	Коэффициент	Бошланғич (тикланиш) қиймати	Қайта баҳолашга эскириш	Қайта баҳолашга қолдиқ қиймат	Янги (қайта баҳолашдан кейин) қиймат	Қайта баҳолашдан кейинги эскириш	Қайта баҳолашдан кейинги қолдиқ қиймати
1.	Ишлаб чиқариш асбоб-ускунаси (жиҳоз)	1996 йил 12 август	1,074	11 750 000	11 750 000	0,00	12 619 500	12 619 500	0,00

Маълумки, барча асосий восита объектлари корхонада абадий хизмат қилмайди. Уларнинг хизмат муддатлари мавжуд. Демак, охир оқибатга барча асосий восита объектлари ўз хизматини ўтаб бўлади. Шу пайтда ҳар бир объектга тегишли бўлган уларни қайта баҳолашдан ҳосил

бўлган сумма ҳам 8510 “Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар”счөтидан чиқарилади. Шунинг учун мулкни қайта баҳолаш бўйича 8510 счөтида жамланган суммани таъсисчилар ўртасида тақсимлашни бөкор қилиш керак.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Республикамызда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижасида барча соҳаларда туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бундай ислохотлар бухгалтерия ҳисоби, аудит ва иқтисодий таҳлил соҳасида ҳам жадал давом эттирилмоқда. Айни вақтда хўжалик субъектлари билан қизиқувчиларни фақат асосий воситаларнинг миқдори ва таркиби эмас балки, унинг техник ҳолати, уларнинг тугатилиши яъни ҳисобдан чиқарилишига доир маълумотлар ҳам қизиқтиради. Юқоридаги мулоҳазалардан ҳам кўринадики мазкур диссертация иши бугунги кунда ўзининг долзарблиги билан аҳамиятли экан.

Назарий манбаларни ўрганиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий воситалари ҳисобининг ҳозирги аҳволини тадқиқ қилиш, шунингдек, амалий маълумотларни қайта ишлаш асосий воситаларга доир қуйидаги хулосаларни чиқариш ва таклифларни киритиш имконини берди:

1. Иқтисодий адабиётларни монографик ўрганиш асосида асосий воситаларнинг моҳияти ўрганилди ҳамда асосий воситаларнинг хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодиётида тутган ўрнига баҳо берилди. Бунда асосий воситаларга қуйидагича таъриф берилиши мақсадга мувофиқ деб топилди: “Асосий воситалар деб - узоқ муддатли ўзининг табиий кўринишини сақлаб турадиган, аста-секин эскирадиган ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот қийматига ўз қийматини аста-секин ўтказадиган, қиймати минимал иш ҳақининг 50 баробаридан юқори бўлган, хизмат муддати бир йилдан кўп бўлган, ижара воситаси сифатида фойдаланиш мумкин бўлган меҳнат воситаларига айтилади”.

2. Асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олишнинг иқтисодиётни модернизациялаш шароитига мос тушадиган шакли белгилаб олинди ва уни такомиллаштириш юзасидан амалий ишлар олиб борилди.

3. Асосий воситалар ҳаракатини ишлаб чиқаришдаги катнашувига қараб ҳисобга олиш тизими қўлланилди, ҳисоб регистрларида акс эттирилди ва уларнинг счётли боғланишлари такомиллаштирилди.

4. Республикамиз хўжалик юритувчи субъектларида сотиб олинган хорижий техника ва технологияларнинг киримини ҳамда бошланғич қийматини шаклланишининг ҳисобга олиниши такомиллаштирилди. Тадқиқот натижалари хорижий технологияларнинг лойиҳа-смета, суғурта, транспорт-тайёрлов, хизмат сафари, юридик хизмат, синашнинг умумий харажатлари, воситачилик хизматлари харажатларини бухгалтерия ҳисобида акс эттиришда қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Уларнинг ечими сифатида бухгалтерия ҳисобининг ишчи счётлар режасида 0800 – “Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар” счётида алоҳида 0870 – “Хорижий технологияларни харид қилиш, ташиш, синаш ва ишлатишга тайёрлаш счёти очилиши ва аналитик ҳисобда юқоридаги харажатларнинг ҳар бир тури алоҳида ҳисобга олиниши асосланди.

5. Хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий воситалари самарадорлигини ошириш бўйича мавжуд имкониятлари ўрганилди ва уларни корхона амалиётига тадбиқ этиш йўллари кўрсатиб берилди.

6. Асосий воситаларнинг ҳаракати “Асосий воситалар” инвентар счётида узининг дастлабки тулик қайта тикланган қиймати бўйича ҳисобга олиниши керак. Тахлилий ҳисоб регистларида ҳар бир инвентар объектнинг аҳамияти, унинг техник ишлаб чиқариш ўлчовлари ва бошқа белгилари, уларнинг хўжаликка келиб тушиши, ҳаракати ва хўжаликдан чиқариб юборилиши, сақлаш жойи ва ундан фойдаланиш, объектнинг қиймати ва уни таъмирлаш, модернизациялаштириш ва хоказолар муносабати билан ўзгариши, таснифнинг барча турларига кетган харажатлар ҳақида маълумотлар жамланади. Бундай маълумотларга эга бўлган хўжалик субъектлари асосий воситаларнинг сақланиши юзасидан тўлиқ назорат ўрнатиш мумкин.

7. Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олиш, амортизация ажратмаларини худди мана шундай даражада ҳисобга олишга мажбур қилади. Бу талаб иқтисодий жарёнларни мантикидан келиб чиқади. Эскириш- бу ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулот қийматига кўчирилган меҳнат воситалари қиймати ва истеъмол қийматинининг қисман йўқолишидир. У, албатта, амортизация қилиниши керак , яъни кейинги босқичда унинг ўрни пул билан қопланиши керак.

10. Асосий воситаларнинг эскириши ва амортизациясини уларнинг меъёрий хизмат муддати давомида, яъни уларнинг дастлабки ёки қайта тикланган қиймати қоплангунга қадар ўтказилади. Агар ана шундай муддати тугаган инвентар объект ишлаб чиқариш соҳасида ёки муомилада меҳнат воситаси сифатида фаолият кўрсатишда давом этса, бу объект асосий воситаларнинг ҳоҳ актив, ҳоҳ пассив қисмига тегишли бўлишидан қатъий назар, эскириш ёки амортизация ҳисоблаш тўхтатилиши лозим. Бу эса, ўз навбатида, ортиқча эскириш ва ортиқча амортизация ҳолатининг пайдо бўлишининг олдини олади.

Юқоридаги таклиф ва тавсияларни тадбиқ этилиши бухгалтерия ҳисобининг долзарб муаммоларидан бири бўлган асосий воситалар ҳисобининг айрим масалаларини ҳал қилишда асосий омилдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. «Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси». Қабул қилинган сана 25.12.2007, кучга кириш санаси 01.01.2008й. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон. (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. 26.12.1997 й. (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
3. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси. 26.12.1997 й. (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
4. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни 1996 йил 30 август.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 30 декабр 1998 й.
6. “Чет эл инвестициялари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни №609-I . 30.04.1998 й.
7. “Инвестиция фаолияти тўғрисида” Ўзбекистон республикаси қонуни №719-и. 24.12.1998 й.

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2012 йил 10 апрелдаги ПФ-4434-сонли Фармонига ўзгартиш киритиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони №ПФ-4515 15.03.2013 й.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2001 йил 22 августдаги 347-сонли Қарори.

10. Тўғридан - тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб килувчи корхоналар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг қарори №2312-1, 04.12.2012 й.

11. “Тўғридан – тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб килувчи корхоналар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида “ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг қарори №2312 , 11.01.2012 й. Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, Тўплам. Т.: ЎЗР БАМА нашриёт маркази. 2002.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида» низом. ЎЗ АВ томонидан 1192-сон билан рўйхатга олинган – Т.: 2002 й.

13. Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, Тўплам. Т.: ЎЗР БАМА нашриёт маркази. 2002.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари.

14. Каримов И.А. «Инсон манфаатлари утуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир»– Т.: 2008 йил
Каримов И.А. «Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш - асосий вазифамиздир». Ўзбекистон овози газетаси. – Т.: 2007 йил.

15. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустахкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. -Т.: “Халқ сўзи” газетаси. (3828)-сон. –Т.: 2006 й.

16. Каримов И.А. «Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида». Тошкент «Ўзбекистон» 2005 йил.

17. Каримов И.А. Иқтисодий эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланишимиз – бош йўлимиз. 15 феврал, 2002 йил

18. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. Т.: «Ўзбекистон», 2000, 393-бет.

19. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9 Т.: «Ўзбекистон», 2001, 265-бет.

20. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

21. Каримов И.А. Асосий вазифамиз ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Т.: «Ўзбекистон» 2010, 55б.

22. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2012-йил якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистон ижтимоий ва иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // press-service.uz Ўз.Рес. Президентининг расмий портали.

23. IV. Асосий адабиётлар

24. Абдибаева Т.Ҳ., Мавлонов А.Х., Султонов Т.А., Асосий воситалар ҳисоби ва аудити;/ Ўқув қўлланма Т.: Фан ва технология, 2007;103 б.

25. Бошқарув ҳисоби 2. CARANA корпорацияси, Ўқув қўлланма. – Т.: «ЎЗБАМА» 2010 й. –186 б.

26. Бакиева Х., Ризаев Н. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисод-молия, 2007. –324 б.

27. Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари. -Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2010. -604 б.

28. Дўсмуратов Р.Д. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Ўқув қўлланма. –Т.: Янгийўл Полиграф Сервис, 2007. –352 б.
29. Ибрагимов А., Очилов И., Қўзиев И., Ризаев Н. Молиявий ва бошқарув ҳисоби./Ўқув қўлланма. –Т.: “Иқтисод-молия” 2008.
30. Ибрагимов А., Каримов А. Хорижий сармоялар бухгалтерия ҳисоби./Ўқув қўлланма–Т.: 2004 й.
31. Молиявий ҳисоб 2. CARANA корпорацияси, Ўқув қўлланма. –Т.: “ЎзБАМА” 2010 й. –252 б.
32. Молиявий ҳисоб 1. CARANA корпорацияси, Ўқув қўлланма. –Т.: “ЎзБАМА” 2010 й. –157 б.
33. Қўзиев И. Бошка тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. Ўқув қўлланма./ И. Қўзиев, Х. Бокиева, М. Мухамедова. - Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2008. - 224 с
34. Останакулов М. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Дарслик. –Т.: “Иқтисод-молия”, 2007. –156 б.
35. Сотволдиев А. С. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Ўқув қўлланма./ А.С. Сотволдиев, Б.О.Болибеков. Т-"IQTISOD-MOLIYA", 2007 й. – 64 б.
36. Каримов А., Исломов Ф., Авлоқулов А. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик.-Т.: Шарқ, 2004 й. –592 б.
37. Никитин В.Ю.Иностранные инвестиции: бухгалтерские, налоговые и правовые аспекты.; / Учебное пособие.; М.: ГроссМедиа: РОСБУХ, 2011 г; 280 с.
38. Каморджанова Н.А., Катрошова И.В. Бухгалтерский финансовый учет 4-е издание дополненное «ПИТЕР» 2010г. 297с.
39. Беликова Т .Самоучитель Бухгалтерский и налоговый учет и отчетность «ПИТЕР» 2010г. 275с

40. Гуломова Ф. Бухгалтерия ҳисобидан мустақил ўрганиш учун қўлланма. (янги таҳрирда)-Т. “Norma” 2010 й. –334б.

V. Қўшимча адабиётлар.

41. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Жахон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Тузувчилар: Б.Ю. Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғофуров, Б.К.Тухлиев. –Т.: Иқтисодиёт, 2009. -120 б.

42. Бабаев Ю., Бухгалтерский учет.; /Учебник.; М.: ТК Велби, 2005 г; 392 с.

43. Бабаева Ю., Бухгалтерский финансовый учет.; /Учебник; М.: Вузов. 2005 г; 525 с.

44. Рогуленко Т.М. Бухгалтерский учет; / Учебник; М.: Финансы и статистика, 2007; 368 с.

45. Кондраков Н.П. Бухгалтерский (финансовый, управленческий) учет.;/ Учебник. М.: ТК Велби, Издво Проспект, 2007; 448 с.

46. Финансовый учет.; /Учебник.; М.: Финан. И статист, 2008; -784 с.

47. Антоненко И., Бухгалтерский учет и налогообложение лизинговых операций.;/ Учебное пособие. М.: «Бухгал. Учет» 2005; 136 с.Е.М. Правовые основы бухгалтерского, налогового и бюджетного учета; / Учебное пособие.; М.: Юриспруденция, 2008; 112 с.

48. Белов А.А., Бухгалтерский учет; / Уч. пособие; М.: Книжный мир, 2008 г; 748 с.

49. Богаченко В.М., 3000 основных бухгалтерских проводок;/ Учебнопрактическое пособие; Ростов на Дону, ФЕНИКС, 2008 г; 352 с.

50. Кузнецова В.А. Организация бухгалтерского и налогового учета на предприятиях с иностранными инвестициями; / Учебное пособие.; М.: Бераторпаблишинг, 2008; 352 с.

51. Никитина В., Бухгалтерский учет и налогообложение операций с ценными бумагами;/ Практическая пособие.; М.: «Экзамен», 2008; 368 с.

52. Николаева Г., Бухгалтерский учет в торговле; / Учеб. Прак. Пособ.; М.: Приориздат, 2008; 352 с.
53. Николаева О., Управленческий учет; / Учеб. Пособ.; М.: УРСС, 2008; 320 с.
54. Новодворский В., Бухгалтерская отчетность организации.; / Учебное пособие. М.: «Бухгалтерский учёт», 2008; 376 с.
55. Новодворский В.Д. Бухгалтерский учет на малых предприятиях;/ Учебник; М.: ТК Велби, Издво Проспект, 2007; 296 с.
56. Новодворский В.Д., Л.В.Пономарева, Комментарии к новым формам бухгалтерской отчетности организации.; Уч. пособие; М.: «Бухгалтерский учет», 2007; 192 с.
57. Паклар А.Н. Налоговый учет; / Учебное пособие; М.: ЗАО Юстицинформ, 2007; 544 с.
58. Патров В. Бухгалтерская отчетность организации;/Учебное пособие. М.: МЦФЭР, 2008; 432 с.
59. Полисюк Г.Б., Упрощенная система налогообложения, учета и отчетности малых предприятий.; / Учеб. Пособ.; М.: «Палеотип», 2008; 164 с.
60. Полякова С.И. Бухгалтерский учет; / Учебное пособие.; М.: ИНФРАМ, 2007; 391 с.
61. Рожнова О.В., Учет и налогообложение в субъектах малого предпринимательства;/ Уч. пособие; М.: «Экзамен», 2007; 128 с.
62. Сборник задач по бухгалтерскому учету с решениями.; / Учеб. Пособ.; М.: ТК Велби, 2007; 704 с.
63. Сугаипова И.В., Бухгалтерская финансовая отчетность; / Уч. пособие; Ростов на Дону, ФЕНИКС, 2007; 224 с.
64. Тепляков А.Б. Оформление первичных документов в бухгалтерском учете и налогообложении;/ Учебное пособие.; М.: ГроссМедиа: РОСБУХ, 2007; 304 с.

65. Жўраев О.Н. Молиявий инвестициялар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш йўналишлари. –Т.: ЎзР Банк-молия академияси. Иқт.фан.номзодлик диссертацияси автореферати.- Т.; 2005. -152 бет.

66. Иқтисодийни модернизациялашда солиқ сиёсатини эркинлаштиришнинг устувор йўналишлари ва Ўзбекистон шароитида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирини бартараф этишдаги солиқ механизмнинг ўрни, 14-15 май 2009 йил. Солиқ академияси.

67. Bromwich M., Hong Ch. Activity-based costing systems and incremental costs. // Management Accounting Research, 1999. № 10, p. 39-60.

68. Goldratt E. M. Cost Accounting: The Number One Enemy of Productivity. International Conference Proceedings, American Production and Inventory Control Society. 1983.

69. Goldratt E. M. From Cost World to Throughput World. // Advances in Management Accounting. 1992. P. 35-53.

70. Goldratt E. M. It's Not Luck. Great Barrington, MA: North River Press, Inc., 1986.

71. Greeson CB., Kocakulah M.C. Implementing an ABC Pilot at Whirlpool. // Journal of Cost Management. March/April 1997. P. 16-21.

72. Drury Collin. Management and Cost Accounting, 4 Edition. International Thomson Business Press, 1996.

73. Healy J. P., Stephens R. G. Accounting for Scrap in Multiphase Sequential Production Processes Using ABC. // Journal of Cost Management. January/ February 1999. P. 3-9. У

74. Homgren C R., Foster G. Cost Accounting. Prentice Hall, USA, 1991.

75. Horvath P., Gleich R., Schmidt S. Linking Target Costing to ABC at a US Automotive Supplier. // Journal of Cost Management. March/April 1998. P. 16-24.

76. Huang Li-Hua. The Integration of Activity-Based Costing and the Theory of Constraints. // Journal of Cost Management. November/December 1999. P. 21-27.
77. Johnson H.T., Kaplan R.S. Relevance Lost: The Rise and the Fall of Management Accounting. Boston: Harvard University Press, 1987.
78. Kaplan Robert S. Cost and Effect: Using Integrated Cost System to Drive Profitability and Performance. President and Fellows of Harvard College, USA, 1998.
79. Kaplan Robert S. The Four Stage Model of Cost System Design. // Management Accounting. February 1990, p. 22-26.
80. Kee R. C Using Economic Value Added with ABC to enhance your production-related Decision Making. // Journal of Cost Management. December, 1999. P. 3-15.
81. Lawson R. Beyond ABC: Process-Based Costing. // Journal of Cost Management. Fall 1994. P. 33-43.
82. Lawson R. Process-Based Costing at Community Health Plant. // Journal of Cost Management. Volume 10, № 1, 1996. P. 31-43.
83. Maguire N. G., Peacock E. Evaluating the Cost of Lead-Time on the Supplier Selection Process: an ABC Driven Methodology. // Journal of Cost Management. November/December 1998. P. 27-37.
84. Mahalingam M.S., Balachandran B.V., Kohli F.C. Activity-Based Management for Systems 'Consulting Industry. // Journal of Cost Management. May/June 1999. P. 4-15.
85. Ruhl J.M. An Introduction to the Theory of Constraints. // Journal of Cost Management. Volume 10, 1996. P. 43-48.
86. Smith M. Strategic Management Accounting. The public sector challenge. // Management Accounting. Volume 78(1), 2000. P. 40-42.
87. Sopariwala P. S. Using Practical Capacity for Determining Fixed Overhead Rates. // Journal of Cost Management. September/ October 1998. P. 34

88. Staubus G.J. Activity Costing and Input-Output Accounting. Homewood, Illinois, 1971.

89. Strategic Management Accounting. The public sector challenge. // Management Accounting. Volume 78. January 2000.

90. Umble M.M., Umble E.J. How to apply the Theory of Constraints' Five-Step Process of Continuous Improvement. // Journal of Cost Management. September/October 1998. P. 5-14.

91. Williamson D. Cost and Management Accounting. Prentice Hall Europe, 1996.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўплamlар ва ҳисоботлар

92. «Бозор, пул ва кредит» журнали. –Т.: 2007-2012 йиллар

93. «Солиқ тўловчи» журнали. –Т.: 2007-2012 йиллар

94. «Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси. –Т.: 2007-2012 йиллар

VII. Интернет сайтлари

[http:// www.fmc.uz](http://www.fmc.uz). (Ўз. Рес. Молия Вазирлиги)

95. [http:// www.buh.uz](http://www.buh.uz). (бухгалтерлар учун маслаҳат сайти)

96. [http:// www.berator.uz](http://www.berator.uz). (бухгалтерлар учун маслаҳат сайти)

97. [http:// www.cipa.uz](http://www.cipa.uz). (CIPAEN нинг расмий сайти)

98. [http://www. taxsites.com](http://www.taxsites.com). (бухгалтерлар учун маслаҳат сайти)

99. <http://www.accounting.com>. (бухгалтерлар учун маслаҳат сайти)

100. <http://www.fasb.org>. МҲҲС бўйича расмий сайт

101. <http://www.buhgalteria.com.ua>. (бухгалтерлар учун маслаҳат сайти)

102. <http://www.lc.ru>. (бухгалтерлар учун маслаҳат сайти)

103. <http://www.gaap.ru>. (бухгалтерлар учун маслаҳат сайти)

104. <http://www.glavbukh.ru>. (бухгалтерлар учун маслаҳат сайти)

